

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Тасвир

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ № 65 — 66

(2602 — 2603)

1993 йил

20 АВГУСТ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА

Тадбир давом ЭТМОҚДА

1993 йилги дон маҳсулотларини йиғиштириб олиш вақтида содир этиладиган талон-торожликлар ва бошқа қонунбузарликларни очиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан "Ҳосил-93" тадбири 21 июндан бошлаб ўтказилмоқда. 1993 йил, 21 июлгача вилоят ИИБ ходимлари томонидан дон маҳсулотларини талон-торож қилишнинг 36 факти очилиб, тегишли суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Масалан, шу йил 28 июнь кунини Жомбой тумани Х.Низомов номи жамоа ҳўжалиги ҳайдовчиси, шу ерда яшовчи Қадҳор Уринов ўзига биркирилган ЗИЛ-3502 русумли 12-21 СНМ рақамли автомашина билан галла майдонидан 14 минг 440 сўмлик — 380 килограмм арпани ҳўжжасиз олиб кетаётганида ушланди ва унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 130-модда 1-қисми билан жиноий иш қўзғатилди. Шунингдек, Челақ тумани И.Бухорий номи жамоа ҳўжалигининг Улкан қишлоғида яшовчи, 1954 йилда туғилган Неъмат Қадҳрамонов, Каттақўрғон тумани, Комилов номи жамоа ҳўжалигида яшовчи, 1961 йилда туғилган Шакар Роҳатов бугдой ўғирламоқчи бўлганларида қўлга тушди. Уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Вилоятда "Ҳосил-93" тадбири давом этмоқда.

Камол ОҚБОВЕВ,
Самарқанд вилояти ИИБ ИЖКБ
бошлиғи муовини, милиция майори.

2-БЕТ.
Ўзбекистон Республикаси
Олий судида

3-БЕТ.
Халқ мулки муқаддас.
Қонун кучига таяниб.

БУГУНГИ СОНДА:

4, 5-БЕТЛАР.
Ҳафталик телекўрсатувлар дастури.

6-БЕТ.
Сўнгги бекатдаги қотиллик.
Бечора Зулайхо!

7-БЕТ.
"Номзод" (қисса).

8-БЕТ.
Вабодан эҳтиёт
бўлинг!



"Терговчилик масъулиятли касб. Бу гап жуда осонгина айтилгани билан замирида катта маъно етади. Бунини айтмаётганда инсон учун энг улғ неъмат — озодлик, ҳурлик, энг зарур нарсаси — ҳуқуқ эканини унутмаслик керак..."

Бу сўзлар газетамизнинг учинчи саҳифасида чоп этилаётган "Терговчи" мақоласидан олинди. Ушбу мақолада сиз сурада кўриб турган Яқкасарой тумани ИИБ катта терговчиси, милиция катта лейтенанти Жўрабой Қодиров ҳақида ҳикоя қилинади.

Сурат муаллифи Ҳ.ШОДИЕВ.

Икки жума оралиғида

САБАБЛАРИ АНИҚЛАНМОҚДА

Когон туманилик Е.С. ўзаро жанжал туфайли "Дилноза" кичик корхонаси сотувчиси, 1969 йилда туғилган И.Г.нинг кўкрагига пичоқ ботирди. Натижада И.Г. касалхонада вафот этди. Жиноятчи ушланди.

ҚОТИЛЛИК

МАРҒИЛОН ШАҲАР шифохонасига номаълум шахслар ўқотар қурол билан араланган, 1963 йили туғилган А.Х.ни ташлаб кетишди. Жароҳат оғир бўлгани сабабли шифокорлар унга ёрдам беришга ожизлик қилдилар.

ИИБ ходимлари тезкор чора-тадбир натижасида қотилликни Н.Э. билан О.Л. лар содир этишганини аниқладилар. Жиноятчиларни ушлаш чоралари кўриляпти.

ҚЎЛГА ОЛИНДИ

САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ Умаров кўчасида истиқомат қилган, 1957 йилда туғилган М.Т. уйига ошхоналар трестининг сотувчиси Ж.Б.ни бошлаб келиб, унинг кўкрагига пичоқ урди. Натижада Ж.Б. касалхонада вафот этди. М.Т. қўлга олинди.

ГУМОН ТЎҒРИ ЧИҚДИ

САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ темирўл шўхбекатида гумонсираб ушланган Бухоро вилоятидаги нефтьни қайта ишлаш корхонаси ишчиси, 1965 йилда туғилган Б.Қ.нинг ёнидан 2 килограмм кўкнори топилди. Тергов кетмоқда.

ҚЎЛИ ҚОН ОТА-БОЛА

ҚУВА ТУМАНИДАН оқиб ўтган Катта Фарғона каналдан оёқ-қўллари боғланган, боши жароҳатланган номаълум шахснинг жасади топилди. Бу ноҳуш хабар туман ИИБ ходимларини оёққа тургазди. Кўп ўтмай жасадининг шахси аниқланди. У Андижон вилоятининг Марҳамат туманида истиқомат қилган, 1959 йилда туғилган М.А. бўлиб чиқди. Тез кунда изқуварлар унинг қотилини ҳам аниқлаб, ушладилар. Улар "Машъал" жамоа ҳўжалигининг ҳайдовчиси, 1929 йилда туғилган И.Х. ва унинг ҳеч қаерда ишламайдиган қизи Х.Х. бўлди чиқди. Жиноий иш қўзғатилди.

ҚАЛБАКИ ПУЛЛАР

САМАРҚАНДДАГИ "Орион" кичик корхонаси бошлиғи, 1965 йилда туғилган О.С. Сартепа мавзесида очилган савдо расталарини айланиб юриб, одамларнинг гавжумлигидан фойдаланиб, қалбаки 10 минг ва 50 минг сўмлик пулларга харидоргир нарсаларни сотиб олмақчи эдию, сезгир одамлар унинг шармандасини чиқариб милицияга топшириб юборишди. ИИБ ходимлари О.С. ва унинг шериклари хонадонларида тинтув ўтказишди. Натижада 2000000 сўмлик ана шундай қалбаки пуллар топилди. Терговни ички ишлар бўлими олиб бораётир.

ЗЎРАВОН БОСҚИНЧИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР Яқкасарой тумани ИИБга 1913 йилда туғилган, нафақадор С.З. дан ариза тушди. Унда айтилишича, кечга томон номаълум шахс унинг хонадонига кириб, уни калтаклаб ва жамғариб қўйган 3200 сўм пулини олиб кетган. Ички ишлар бўлими ходимлари олиб борган оператив тадбирда 80 ёшли онахонини калтаклаб, касалхонага туширган босқинчи аниқланди. У энди ўз қилмиши учун суд олдида жавоб беради.

ЖИНОЯТЧИ УШЛАНДИ

ЧЕЛАК ТУМАНИДА (Самарқанд вилояти) олиб борилган оператив қидирув ҳаракатлари натижасида, "Каттақўрғон" жамоа ҳўжалигида яшовчи, 1961 йилда туғилган Р.Е. бундан икки йил аввал ўзаро жанжал туфайли ўз отасини ўлдириб, Жилинбек қишлоғи яқинидаги тошлоққа кўмиб юборгани аниқланди. Қотил ушланди.

Терговни прокуратура олиб бормоқда.

Т. МУРОДОВ.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдида

ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК, ЮРТИМ!

Агар одамзод онадан ҳур туғилишини эсласак мустақиллик нақадар буюк неъмат эканлигини янада чуқурроқ англаймиз. Ота-боболаримизнинг бирдан-бир умиди, асрий орзулари бизнинг замонамизда юзага чиқди. Ўзбекистон асрий орзуларига пешвоз чиқиб, ўз мустақиллигига ва истиқлолига эришиб, илк дадил қадамларини ташлаётган бир шароитда Ватан, миллат, имон туйғулари қалбларида жўш уриб, ўзлимизни чин маънода тушунмоқ учун кўҳна мозийга қайтиш ва унинг олтин саҳифаларини варақлаш истагини тугдирмоқда.

Она-юртимиз ҳадемай ўзининг икки йиллик тўйини нишонлайди. Шу қисқа давр ичида жаҳондаги 150 дан зиёд мамлакат уни эътироф этди. Айни пайтда ижтимоий ҳаётимизда қатор ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Биз, ҳаммамиз ватанимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида кўп ишлар қилдик ва қилмоқдамиз. Биз ҳаммамиз шу Ватанимиз каби ўзимизни қайта туғилгандек ҳис қилаётимиз. Ҳозирча Ватан тушунчасининг ўзи янги, буюк кашфиёт, ҳаммамиз унинг кашфиётчиларимиз. Ҳар бир ҳолис нияти ва эътиқодли инсон учун Ватан номи муқаддас туйғу, аввало унинг остонасидан, оиласидан, қавму-жамоасидан, қишлоғидан бошланиб, қолаверса

туман, вилоят, республикани ўз тизимига олади. Бу туйғу яқин орада халқимизнинг қалб эҳтиёжига айланиши, шубҳасиз. Аслини олганда "Ватан" тушунчаси кўпгина халқлар учун XX асрнинг буюк янгилигидир. Ватанда ватансизлик фожиаси тугаб, ўзликка қайтиш мўъжизаси юз берди. Бунда чексиз гурур ва фахр ҳиссини ҳаммамиз сезамиз. Ватан, бу ҳар бир инсоннинг юраги ва жонидир. Қанчадан-қанча юртдошларимиз, ака-укаларимиз, опа-сингилларимиз Ватан учун жонларини қурбон қилганлар.

Мана, ҳозир ҳар бир юртдошимиз меҳнати, хизмати ва ўқиши билан Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда. Лекин ҳали ҳам ен-атрофимизда эскича кайфият билан, илгариги тузумни соғиниб яшаётган, ҳар хил бўхтон, уйдирмаларни тарқатиб юрган кимсалар борлигини кўриб, минг афсус чекасан. Ўзбекистон халқи ўз бошидан не кунларни ўтказмади, мана энди Ўзбекистон мустақил, унинг халқи она юртининг туғилган кунини нишонлаш арафасида турибди. Бу шодиёна нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда нишонланади. Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканлигини ҳурматли Президентимиз И.А.Каримов дастурларида алоҳида таъкидладилар. Умуман,

Республика Президентининг ҳозирги қийин шароитда аҳоли учун тинч ҳаёт, ижтимоий адолат, миллатлараро муносабатлардаги тенглик борасида тутаётган йўлини қўллаб-қувватлаймиз.

Ўз вазифасини сунистеъмол қилувчиларга, халқ мулкини талон-торож этувчиларга, жиноятчиликка қарши кураш юзасидан бошланган ташаббусни маъқуллаймиз.

Шу кунларда Ўзбекистон халқи билан бир қаторда ички ишлар ходимлари, ҳам Республикаимизни жиноятчилардан, гайриқонуний йўллар билан бойлик орттираётганлардан, юртдошларимиз аҳилиги, тинч-тотувлигини бузадиганлардан, Ўзбекистон келажагига раҳна соладиган айрим галамислардан тозаламоқдалар.

Биз шунга ишонамизки, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва бирдамлиги туфайли мустақил Республикаимиз ҳозирги муваққат қийинчиликлардан яқин орада халос бўлади. У иқтисодий ва маданий юксакликка эришиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг азалий мавқеини қайта эгаллайди. Аждодларимиз тажрибаси, бой маданий мероси бу олижаноб ишимизда йўлимизни ёритиб турадиган йўлчи юлдуздек мададкор бўлади.

Истиқлолнинг муборак, Она юртим — Ўзбекистон!

Фарҳод КАРИМОВ,
милиция капитани.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъати 1993 йилнинг 6 августда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси О.Тургунбоев раислигида Х.Худойбердиев, О.Орифов, О.Каримов, С.Умурзоқов, А.Маҳмудов ва Б.Шокировга нисбатан кўзгатилган жиноий иш-ни кўриб чиқди. Улар давлатга қарши ўта хавфли жиноятларни содир этганлиқда айбдор деб топилди.

Республика Олий судининг ҳукмига биноан Х.Худойбердиев ва О.Орифов беш йилга, О.Каримов, С.Умурзоқов, А.Маҳмудов уч йилга озодликдан маҳрум этилди. Бироқ жиноят ўз вақтида аниқланиб, ёмон оқибатларнинг олди олингани ва судланувчиларнинг саломадлиги назарда тутилиб, шунингдек, республика қонунларида инспонпарварлик руҳининг устиворлиги туфайли уларга белгиланган жазолар уч йил шартли синов муддати билан алмаштирилди.

Бобур Шокиров белгиланган жазони амалда ўтаб қўйгани учун эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, у суд залидан озодликка чиқарилди.

“Эрк” демократик партияси ва унинг аъзолари ўз низомига зид бўлган фаолият билан шугулланиб, “Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонун талабларини бузганликлари учун тегишли чора кўриш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазир ва Бош прокурорига топширилди.

Республика Бош прокурорига “Эрк” демократик партиясининг раиси Мухаммад Солиҳ — Мадаминов Салайнинг жиноий жавобгарлиги масаласини яна бир бор кўриб чиқиш ҳамда унинг тергов ва суд олдида жавоб беришини таъминлаш юқлатилди.

Ўз низомига зид фаолият билан шугулланиб келган, гайриконституциявий ҳаракатларни содир этган “Бирлик” халқ ҳаракати ва унинг аъзоларига “Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун асосида чора кўриш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазир ва республика Бош прокурорига топширилди.

Куйида Тошкент шаҳар прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Э.Жўраевнинг ушбу суд жараёнида сўзлаган нутқини қисқартирилган ҳолда эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Хурматли суд хайъати!

Авалло шуни таъкидлашим лозимки, суд кўраётган жиноят иши, бу — оддий жиноий иш эмас. Унинг хавфли хусусияти шундаки, суд курсида ўтирган кимсалар ёш, мустақил давлатимизнинг асосий қонун — муқаддас Конституциямизга қасд қилганлар.

Яқинда республикаимизнинг мустақилликка эришганига икки йил тўлади. Аммо шу қисқа вақт ичда давлатимизга қарши турли хил найранг ва ғаламисликларнинг гувоҳи бўлдик. Юқори ҳокимият идоралари, шаънига айтилган қуруқ тухматларни ҳам, асосий мақсади миллий низо кўзга, одамларнинг тинчлигини бузиш бўлган кимсаларнинг уринишларини ҳам кўрдик. Лекин ҳеч ким халқимизнинг республикаимиз демократик ва иқтисодий тараққий сари тинч ва тўғри йўлдан кетаётганига бўлган ишончини сўндира олмади. Ҳеч ким бизнинг энг катта бойлигимиз — Конституциямизда эълон қилингандек, инсоннинг ҳаёти, ҳуқуқлари, эркинлиги экани, шу билан бирга, қадр-қимматимизга тажовуз қилган ҳар қандай кимсага қонуний зарба берилиши муқаррар эканига шубҳа ҳам туғдира олмади.

Конституциямизнинг халқчилиги ва одиллиги жаҳоннинг етук мутахассислари томонидан тан олинган. Ўзбек халқи муқобил сайлов асосида ҳалол ва кучли конституциявий ҳокимият тузишга эришди.

Айни вақтда республика Конституцияси давлат ҳокимиятини гайриқонуний тарзда қўлга олишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатни таъқиқлайди ва жиноят деб эълон қилади. Ахир, бундан бошқача ҳам бўлиши мумкинми?

Тараққий этган барча давлатларнинг Конституцияларида бундай хатти-ҳаракатлар алоҳида хавфли жиноятлар қаторига киритилган. Масалан, Россия Конституцияси охириги лойиҳасининг 5-моддасида: “Россия Федерациясида ҳеч ким ҳокимиятни ўзлаштира олмайд. Давлат ҳокимиятини зўрлик билан эгаллаш алоҳида оғир жиноятдир”, дейилган.

Бундай қонда барча мамлакатлар Конституцияларида мавжуд. Чунки, инсоният тарихи давлат ҳокимиятини зўрлик билан эгаллаш тўғридан-тўғри қон тўкишга, фуқаролар урушига сабаб бўлишини доимо уқтириб келган.

Суд курсида ўтирган шахслар айнан шундай ёвуз мақсадларда давлат ҳокимиятини эгаллашга қасд қилганлиқда айбланмоқдалар.

Суд бир ой мобайнида ишни кўриш давомида бўлган турли хил қаршиликлар, ҳатто суд жараёнининг тўғри кетишига тўқсинлик қилган айрим судланувчилар ёки уларни гўе инсон ҳуқуқларини ҳимоя этувчи “қаҳрамонлар” қилиб кўрсатишга уринган айрим чет эл матбуоти ходимларининг ашаддий таъинқларига қарамасдан, қонун бузилишига

йўл қўймасдан, шу билан бирга, судланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаган ҳолда, дастлабки тергов материалларини синчиклаб таҳлил қилди. Бу билан қонуннинг адолат тамойилига ҳолисона амал қилинишини яна бир бор кўрсатди.

Буларнинг асосий яқуни шуки, судланувчиларнинг айби юзасидан прокуратура томонидан дастлабки тергов давомида тўпланган далиллар суд муҳокамасида ўз тасдиғини топди.

Жиноят иши материалларига кўра қуйидаги факт ва ҳолатлар аниқланган.

Судланувчилар — “Бирлик” халқ ҳаракати фаоллари Худойбердиев Ҳазратқул, Маҳмудов Абдулазиз, Каримов Олимжон, “Эрк” демократик партиясининг аъзолари Орифов Отаназар, Умурзоқов Саловат ҳамда фуқаро Шокиров Бобур манманликка берилиб, ғаразгўйлик ва амалпарастлик ниятлари билан 1992 йил май, июнь, июль ойлари давомида ҳокимиятни эгаллаш мақсадида фитна уюштириб, ташкилий фаолият кўрсатиб, Конституцияга хилоф равишда давлатга қарши алоҳида оғир жиноятларни содир қилганлар.

Ана шу давр ичда “Эрк”, “Бирлик”, “Халқ дипломатияси” уюшмаси, ҳеч жойда рўйхатдан ўтмаган “Ўзбекистон озод деҳқонлар партияси” ва “Туркистон халқ ҳаракати” вакиллари иш-тироқида гайриқонуний йўл билан қонун ишлаб чиқиш ваколатларига эга бўлган янги орган, яъни “Миллий мажлис” тузиш мақсадида Каримов Олимжон раислигида бир неча бор йиғилиш ўтказилган. Мазкур “Миллий мажлис” та оид бўлган ҳужжатларни тайёрлаш учун ташаббус гуруҳи тузилади. Унга судланувчилардан Шокиров раис, Худойбердиев, Умурзоқов ва Маҳмудов гуруҳ аъзолари қилиб киритилади. Уларга “Миллий мажлис” тузишга доир ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон демократик кучларининг “Миллий мажлис” тузиш тўғрисидаги битими, “Миллий мажлис”нинг муваққат тузуги ва демократик йўналишдаги сиёсий партиялар, ҳаракатлар, бирлашмалар ва ташкилотлар вакиллари ташаббус гуруҳининг баёнотлари лойиҳаларини ишлаб чиқиб, мазкур мажлисга тақдим қилиш топширилади.

Кўриниб турибдики, гап фақат сиёсий кураш ва у ҳақдаги фикрлар тўғрисида эмас, балки жиддийроқ, амалга ошиши аниқ бўлган, жамият учун ўта хавфли жиноят ҳақида борапти.

Юқорида эслатилган гуруҳ томонидан “Миллий мажлис” та оид ҳужжатлар тузилиб, бир неча бор йиғилишда муҳокама қилинади ва уларда кўрсатилган гоғлар мажлис қатнашчилари томонидан тўлиқ маъқулланади.

Лекин бу ҳужжат ҳали ҳомлиги ва пишиб етмагани учун, судланувчи Шокировнинг тақлифига кўра, юқорида номлари саналган партия, ҳаракат, уюшма ва ташкилотларнинг раҳбарларига топширишга келишилади.

Шунга асосан 1992 йил 19 июнь кунин судланувчилар — Каримов, Умурзоқов, Худойбердиев ва Шокиров “Эрк” демократик партиясининг раиси Мухаммад Солиҳ ҳузурига борадилар. Судда тўлиқ тасдиқлангандек, Мухаммад Солиҳ “Миллий мажлис” та оид бўлган ҳужжат — “Миллий мажлис тузуги” лойиҳаси билан танишиб, унга ўз қўли билан қўшимча ўзгартишлар қилиб, “Миллий мажлис” гоғсини маъқуллайди. Лекин лойиҳани қайта ишлаш зарурлигини айтиди, унинг бир нусхасини “Эрк” партиясининг сиёсий ишлари бўйича котиби Орифов Отаназарга бериб, қайта ишлаб тайёрлашга топширади.

О.Орифов Мухаммад Солиҳнинг топшириғи бўйича, “Миллий мажлис тузуги” лойиҳасини кўриб, фикр ва эътирозларини Мухаммад Солиҳга айтиди. Сўнг шу лойиҳа юзасидан уюштирилган йиғилишда қатнашиб, “Миллий мажлис тузуги” лойиҳасидаги гоғни маъқуллаб, шу билан бирга ҳали унинг ҳомлигини, пиши-тиш лозимлигини айтиди.

Шундан сўнг О.Орифов, Х.Худойбердиев бир неча кун давомида “Миллий мажлис” та оид ҳужжатлар: битим, тузуқ ва баёнотлар лойиҳасининг охириги вариантини ишлаб чиқиб, “Эрк” демократик партиясига тегишли компьютерда кўпайтириб, юқорида номи саналган партия, ҳаракат ва уюшма раҳбарларига тарқатган.

Кўриб турибсизки, бу ерда гап жуда аниқ уюшган ташкилий фаолият ҳақида борапти.

Хўш, булар қандай ҳужжатлар эди?

Суд мажлисларида чуқур таҳлил қилинган бу ҳужжатларга судланувчиларнинг муносабати ҳам аниқланди.

Мана, улардан бири, яъни — “Халқ дипломатияси уюшмаси”, “Бирлик” халқ ҳаракати, “Эрк” демократик партияси, “Ўзбекистон озод деҳқонлар партияси” ва “Туркистон халқ ҳаракати” томонидан тузилган Ўзбекистон демократик кучларининг “Миллий мажлис” тузиш тўғрисидаги битими. “Битим” атиги учта моддадан иборат бўлса-да, шунинг ўзи ҳам судланувчиларни гайриконституцион йўл билан фитна уюштириб, ҳокимиятни қўлга

олишда айблаш учун етарли асос бўлади.

Келинг, мазкур ҳужжатларни таҳлил қилайлик.

Битимнинг биринчи моддасида, тўғрироғи, фитна йўли билан уюштирилган жиноий ҳужжатда қуйидагилар ёзилган: “Мустақил фаолият кўрсатувчи ва қонун-лойиҳа ишлаб чиқиш ваколатларига эга бўлган Миллий мажлис таъсис этиш”.

Бунинг маъноси нима?

Агар биз тўғри ўқий билсак, унинг маъноси фақат битта, яъни гайриқонуний йўл билан мустақил қонун-лойиҳа ишлаб чиқиш ваколатига эга бўлган янги парламент тузиш ва ҳокимиятни эгаллаш демакдир. Бундан бошқача таълон қилиш эса ҳақиқий ҳолатни сохталаштириш бўлади.

Балки биз адашаётгандирмиз, эҳтимол, инсон ҳуқуқларининг “ҳимоячи”лари, Конституция талабига кўра, мазкур ҳужжатни республика Олий Кенгашида кўриб чиқиш учун тақдим этмоқчи бўлгандирлар? Минг афсуски, битимнинг иккинчи моддасига мурожаат қилишимиз билан бу шубҳаларимиз ўз-ўзидан йўқолади. Чунки, унда қуйидагича кўрсатилган: “Миллий мажлис” қабул қилган қонун-лойиҳаларнинг кучга киритилиши билан боғлиқ бўлган қарорлар ижросини таъминлаш”.

Келинг, ана шу иккинчи моддани яна бир марта ўқийлик. Балки биз ўз кўзимизга ишонмаслигимиз керакдир?

“Қарорлар ижросини таъминлаш” деган сўзлар қандай маънони билдиради? Агар бу сўзларни шошилмасдан, чуқурроқ таҳлил қилсак, унинг дахшатли маънолари секин-аста онгимизга етиб боради. Бунинг маъноси шуки, бир тўда кимсанинг ўзини “Миллий мажлис” деб эълон қилиб, жинояткорона иродасини бутун мамлакатимиз ҳудудида сўзсиз бажарилишини таъминлашнинг барча чораларини кўриши демакдир.

У ҳолда Конституция асосида тузилган амалдаги ҳокимият органлари-чи? Бу органларнинг мавқеи қандай бўлади?

“Миллий мажлис” вакиллари, биринчи навбатда “Эрк” ва “Бирлик” раҳбарларининг мантики бўйича бу конституциявий ҳокимият органлари йўқ қилиниши лозим эди. Лекин ҳар қандай давлатда ҳам конституциявий ҳокимиятнинг вазифаси Конституция ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Бундай бурч Конституциямизга асосан мустақил Ўзбекистонимиз ҳокимият органларига ҳам юқлатилган. Ва улар бу олий бурчларини бажариб келмоқдалар, бажарадилар ҳам.

Асосли равишда бошқа савол туғилади: “Миллий мажлис” қарорлари ким томонидан сўзсиз бажарилиши керак эди? Ахир, бу гайриқонуний қарорни бирор бир куч ишлатмай бажартириш мумкин эмас-ку. Буни судланувчилар жуда яхши билишарди. Чунки уларнинг орасида ҳатто профессорлар ҳам бор. Аммо судланувчилар бу кучларни биздан яширмоқдалар. Балки улар Намангандаги барбод бўлган “Ислом лашкарлари” деб аталмиш кучлардир? Ёки Тожикистон пойтахтидаги “Шаҳидон” майдонида “фаолият кўрсатган” кимсалардир? Ёки Фарғонада кирган уюштирган мафиячи ва гиёҳвандлардир? Бу бизга ҳозирча номаълум.

Аммо шу нарсга равшанки, бу кучларга суянмасдан судланувчилар ва уларнинг орқасида турганлар жинояткорона мақсадларига эришишлари мумкин эмаслигини яхши тушунишган. Агар уларнинг қора ниятлари амалга ошганида, нима бўлар эди? Тожикистон ва Озарбойжондаги қонли қирғинлар бизда ҳам такрорланмасми?

Судланувчиларнинг жинояткорона режалари бўйича, мазкур битим юқорида номи келтирилган партиялар ва жамоат уюшмаларининг раҳбарлари томонидан имзоланган вақтдан бошлаб ижро этилиши лозим эди. Бу ҳолат жиноят иши материалларида ўз исботини топган.

“Эрк” ва “Бирлик” раҳбарларининг бу ҳужжатларни имзолаши шубҳасиз эди. Чунки бу ҳужжатлар матни улар билан тўлиқ келишилган эди. Чунончи, Мухаммад Солиҳ билан. У давлат ҳокимиятини тортиб олишга қаратилган ҳаракатлар реал эканини билган ва ўз жойини ҳокимият тепасидаги давлат мансабларида кўрган. Шунинг учун ҳам у 19 июнда бўлган ташаббус гуруҳи билан учрашувдан 13 кун ўтгач, яъни 2 июль кунин Олий Кенгаш сессиясига намоийшкорона тарзда депутатлик ваколатидан воз кечиб, мафкуравий курашчи ролинини ўйнамоқчи бўлди. Ҳозир эса унинг ҳақиқий қиёфасини кўриб турибмиз.

У халқимиз мустақиллиги ва эркинлигига ҳамда тинчлигига қасддан зарба бермоқчи эди. Бугунги кунда у одил суддан кўриб қочди. Лекин халқимиз қарғишидан қочиб қутулолмайди.

Аммо, юқорида келтирилган таъкидланган фактларга қарамасдан, судланувчилар ўзларича бу ҳолатларни демократик гоғ ва сиёсий фикр билдириш деб биларни ишонтиришга

уринмоқдалар. Уларнинг фикрича, бу каби ҳаракатлар учун ривожланган мамлакатларда жиноий жавобгарликка тортилмас эмиш. Лекин бизни бу каби сафсаталар билан алдай олмайдилар. Ахир, бир неча йил жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида яшаб келган Бобур Шокиров Конституцияга қарши равишда иккинчи парламент тузишга кимдир йўл қўйди, деб айта оладими? Ёки бу каби ҳаракатлар у ерда жиноят эмас, деб айтиши мумкинми? Шундай экан, нима учун у ўзининг она ватанида бошқача бўлиши керак деб ҳисоблайди? Олдинроқ бошқа мамлакатлар Конституцияларидан баъзи бир моддаларни келтирган эдим. Бу ҳақда тушунчалар аниқ ва етарли бўлса керак.

Энди иккинчи ҳужжат — “Миллий мажлис” тузугидаги баъзи бир ҳолатларга тўхталайлик. Мазкур ҳужжат асосан ҳаммага маълум, бошқа манбалардан кўчириб олинган умумий гаплардан иборат бўлиб, унда бирор бир янгилик йўқ.

Лекин сизнинг диққатингизни баъзи моддаларга қаратишни лозим топардим. Мана, мисол учун 2-моддада айтилади: “Миллий мажлис” сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари вакилларида тузилади”.

Қандай йўл билан тузилар экан?

Бу йўл, мазкур тузуққа қараганда, қуйидагича: “Эрк”, “Бирлик” ва бошқа партиялар ҳамда ташкилотлар раҳбарий органларининг мажлисларида икки-учтадан депутат сайланади ва “Миллий мажлис” та чақирилади. Кўриб турибсизки, ҳаммаси аниқ ва равшан.

Ахир бу ташкилотлар республика умумий аҳолиси бир фонзининг ҳам манфаатини ифодаламайди-ку. Бу одамлар шундай ҳолатда ҳам ўзларини “демократ” деб кўкрайига уришларига нима дейиш мумкин. Аслида, гап диктатура ҳақида кетяпти-ку.

Энди бир неча сўз “Бирлик”, “Эрк” ва бошқа ташкилотларнинг “Баёнот” деб аталган ҳужжати ҳақида.

Бу ҳужжатнинг аниқ мазмунини нима, у кимга қаратилган? Қисқача қилиб айтганда, унда гўе республикада драматик вазият вужудга келгани, қора сиёҳлар билан езилган ва биз учун КПСС тарихи дарсликларида таниш синдий кураш кучайгани каби тезислар келтирилган ҳамда бу вазиятдан чиқиб кетиш учун “Миллий мажлис” таъсис этилмоқда, дейилган.

Матнинг маъносидан ҳам кўриниб турибдики, бу баёнот “Миллий мажлис” иши бошланганидан кейин халққа эълон қилиниши кўзда тутилган. Бу ҳам бизга жуда таниш. Шундай эмасми?

Юридик жиҳатдан бу баёнот фақат биргина маънода аҳамиятга эга бўлиб, у ҳам бўлса, гайриконституциявий равишда давлат ҳокимиятини эгаллашга уринишнинг бир далилидир.

Қўшимча далил келтириб, судланувчиларнинг айбини тасдиқловчи фактлар таҳлиliga тўхталишнинг ҳолати йўқ. Дастлабки тергов, энди эса суд тергов жиноят-процессуал қонун талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтказилди. Тергов бошланишидан тортиб, суд, мажлиси давомида судланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқи тўла таъминланди.

Келтирилган жиноят иши фабуласини судланувчиларнинг ўзлари ҳам тасдиқлашди. Тўғри, улар бу фактларни ўз фойдаларини кўзлаган ҳолда, бошқача тарзда тушунтиришга ҳаракат қилишди. Яъни удар гўе гуманистик гоғлар ва сиёсий қарашларни тарғиб этган шахслар сифатида кўрсатмоқчи бўлишди ўзларини. Ва бу гоғлар учун ҳеч қандай жиноий жавобгарлик бўлиши мумкин эмас деб, Инсон ҳуқуқлари декларациясини бу ерда бир неча бор эслаб ўттишди.

Шу сабабли қуйидагиларни таъкидлашни лозим топардим.

Тўғри, гоғлар ва сиёсий қарашлар учун бизнинг давлатимизда, барча ривожланган давлатлардагидек, жиноий жавобгарлик белгиланмаган.

Тўғри, бизнинг давлатимиз Инсон ҳуқуқлари декларациясини тан олган, унинг талабларини бажариб келмоқда ва келажакда ҳам бажариши муқаррар.

Аммо судланувчиларга гоғлар ва дунёқараш учун эмас, балки аниқ гайриконституциявий равишда ҳокимиятни эгаллаш мақсадида ташкилий фаолият кўрсатиб, оғир жиноят содир қилганликлари учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 62-моддаси билан айб қуйилмоқда.

Юқорида баён этилганларга асосан, Худойбердиев Ҳазратқул, Орифов Отаназар, Каримов Олимжон, Умурзоқов Саловат, Маҳмудов Абдулазиз, Шокиров Бобурни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 62-моддасида кўрсатилган жиноятларни содир қилганлиқда айбдор деб топишни ва уларга Жиноят Кодексининг 55-1-моддаси бўйича жазо тайинлашни сўрайман.

— Вафобой Отажонович, маълумки, мол-мулк масаласи жуда нозик тушунча. Айниқса, у бировники бўлса сен зимманга уни қўриқлашни олсанг, буни тўлиқ англаб етишинга тўғри келади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб сўрамоқчи эдим: сизлар халқнинг мол-мулки ҳимоясини ўз зиммаларингизга олгансизлар, жавобгарлик, масъулият кишини эзиб қўймайдими? Ахир ички ишлар идораларининг бошқа соҳавий хизматларидан фаркли ўлароқ сизлар аниқ бир жой, аниқ бир ҳудуд, аниқ бир нарса учун жавобгарсизлар ва ҳар қандай йўл қўйилган хато учун ҳам, айтиш жоиз, ўз ҳисобларингиздан тўлайсизлар.

— Тўғри таъкидладингиз, мол-мулк билан иш олиб борганда жуда эҳтиёткор бўлмоқ лозим, чунки биламизки, бу осмондан тушадиган нарса эмас. Уни одамлар, жамоалар ўзларининг меҳнати, ақли, вақти эвазига йиллаб давомида йиғишади. Эшитган бўлсангиз, асосий нарса — мол-мулк эмас, деган бир нимҳазил ибора бўларди. Бугунги бозор муносабатларига ўтилаётган даврда биз хоҳлаймизми, йўқми нарса — мол-мулкнинг қадри ошиб кетди. Шундай бўлиши қонуний аслида. Энди мана шу — одамлар, жамоаларнинг неча йиллик меҳнати маҳсулотлари сақлашни таъминлашни биз ўз зиммамизга олган эканмиз, нима ҳам дейиш мумкин, бу вазифани иложи борица меъёрига етказиб бажаришга, бизга ишонганларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Жавобгарлик масъулиятга келганда эса бу нарса кўпроқ одамнинг ҳушёрлигини оширади, холос. Агар ўқиган бўлсангиз, уйғониш даври италян файласуфи Макиавелининг “Одамлар ота-онасини ўлдиргани кечиришлари мумкин, аммо мол-мулкни олиб қўйгани ҳеч қачон кечирилмайди” — деган бир гапи

бор...

— Сал ошириб юборган эканми, дейман-да...

— Умуман тўғри, биз учун бу гап бошқача туюлади. Энди бу ўрта аср Европа тафаккури хусусидаги гап-да, аммо қайси жиҳатдандир ҳақиқат айтилган.

— Мулк тушунчаси ўзгармай қолган демокчиси-мисиз?

— Сал бошқачароқ ифодалаган бўлардим. Албатта

ушбу вазифага тайинланган эдим. Аммо хизматнинг оқу қорасини бир қадар тушуниб қолган бўлсам керак, деб ўйлайман. Ахир ички ишларда 1981 йилдан буён хизмат қилиб келаман. Бевосита вазифага алоқадор ишларга келганда эса баҳоли қудрат бажариб турибман. Хизмат бор жойда, турган гапки қийинчиликлар бўлади. Уларни бартараф қилишда ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция

техникасини доғда қолдириш қийин. Юқорида сиз айтган услубни эса ҳали ҳам қўллаб туришади. Яқинда шундай бир воқеа бўлди. Кечаси соат тўртдан ўн дақиқа ўтганда 3-МҚПга “Давр” тижорат дўконидан “ташвиш” хабари тушди. Воқеа жойига зудлик билан етиб борган милиция катта сержанти Н.Ғуломов, милиция кичик сержанти О.Тулбоев ва милиция сержанти И.Мухашевлардан

илгари икки марта судланган, ҳеч қерда ишламайдиган жиноятчи қўлга олинди. У лом, болта ёрдамида дўконнинг орқа деворини тешаётган экан.

— Сухбатимиз бевосита мол-мулк ҳимояси хусусида бораётган экан, бу борада бўлимда амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам икки оғиз гапириб ўтолмасизми?

— Бажонидил. Бўлимимиз ходимлари томонидан 259 та халқ хўжалик объектлари қўриқланади. Булар орасида республика аҳамиятига эга бўлган объектлар ҳам кўп. “Подъёмник” заводи, “Ўзхўжмаданиятсавдо”, “Ўзпойафзалсавдо”, “Ўзкий-имсавдо”нинг базалари шулар жумласидандир. Бундан ташқари фуқароларнинг 1040 та хонадонини қўриқламоқдамиз.

— Албатта, шунча жойдаги моддий бойликларни қўриқлаб туриш, улар учун жавоб бериш оғир иш. Шунга қарамадан бўлим ходимларининг булардан бошқа ҳам амалга оширган, ошираётган ишлари борми?

— Бор, жуда кўп. Ички ишлар бўлими ўтказётган тадбирларда мунтазам иштирок этиб келамиз. Бундан ташқари шу давргача 337 та майда талончини ушладик. Улардан кўплар моддий-товар бойликлар олиниб, давлатга қайтарилди. Ўйлашимча, ташмачиликка қарши курашда асосий натижа ташмачилардан олинган бойликларнинг миқдори эмас, балки маънавий таъсирдир. Лекин бу моддий бойликлар миқдорида эътибор бермаслик керак деганим эмас.

Майда талончиликдан ташқари йиғитларимиз маъмурий ҳуқуқбузарликларга ҳам қарши кескин кураш олиб боришмоқда. Ўтган даврда улар 3024 та шундай ҳуқуқбузарларни қўлга оlishди. Майда безорилиги учун эса 327 киши ушланди.

Сухбатдош З. ҚЎЗИБОВЕВ.

Суратда: милиция капитани В. Ваисов.

Ҳ.ШОДИЕВ олган сурат.

ХАЛҚ МУЛКИ МУҚАДДАС



Тошкент шаҳар,
Ҳамза тумани ИИБ
хузуридаги
қўриқлаш бўлими
бошлиғи
ўринбосари,
милиция капитани
Вафобой Ваисов
билан суҳбат.

шарқда мезонлар ўзгача, шунинг учун ҳам вазият файласуф айтган даражага тушмасда, барибир мулк тушунчаси анча юқори турадиган нарса. Файласуфнинг гапидан мулк кишилар учун қадри нарса деган хулоса чиқаришимиз мумкин, холос. Шунинг учун ҳам бу борада иш олиб борганда ниҳоятда эҳтиёткор бўлмоқ даркор.

— Вафобой ака, агар янги-лишмасам сизнинг ушбу вазифага тайинланганингизга ҳали тўлиқ бир йил бўлмади, чамаси. Юқоридаги саволни беришдан ҳам асл мақсад, янги вазифа қийнаб қўймаптими, шунини билмоқчи эдим.

— Шу йилнинг январь ойида

подполковниги Бахтиёр Орифжонов, қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Ҳабибулло Мирзаҳаймовлар ёрдам бериб туришибди.

— Агар эътибор берган бўлсангиз, эски киноларда дўконлардан ўғирликлар аксарият панжарани ёғовлаш орқали содир этилишини кўрсатишади. Ҳозирда ўғирлар бу борада қандай усулларни қўллашмоқда?

— Ўғирлар аллақачон киночиларнинг фикрлашларидан илгарилар кетишган. Жиноятчиларнинг бу тоифаси ҳам анча изланувчан бўлади. Қўллаш мумкин бўлган барча нарсани қўллаб қўришади, аммо бугунги шароитда биз амалда қўллаётган қўриқлаш

иборат қўлга олиш гуруҳи барча чиқиш жойларини кураш олди ва дўкон ичидан йиғитни тутишди. У ўғирликка дераза панжараларини аралаб кирган экан.

Боя мол-мулк ҳақида сўз юритдик. Ҳамма гап шундаки, унга қайси йўл билан эришни ҳар ким ўзича белгилайди. Текин бойлик орттириш илнжи эса жиноятчиларни не қўйларга солмайди дейсиз. Яқиндагина бир жиноятни очдик. Ярим кечаси ходимларимиз қоровулларнинг хизмат ўташларини текшириб юрган бир вақтда “Тотаторликсавдо”га қарашли 7-сон дўконининг орқа томонидан шубҳали товуш чиқаётганини эшитиб қолишди. Қўрилган чоралар натижасида

Терговчилик масъулиятли касб. Бу гап жуда осонгина айтилгани билан замирида катта маъно ётади. Буни айтётганда инсон учун энг улур неъмат — озодлик, ҳурлик, энг зарур нарса — ҳуқуқ эканини унутмаслик керак.

Булар эса терговчилар бевосита иш олиб борадиган нарсалар эканини ҳамма ҳам билади. Шу сабабли терговчининг зиммасига нақадар оғир масъулият юклатилганини англаш унча мушкул эмас. У, яъни терговчи ўз ихтиёридаги ишнинг терговини олиб бора туриб, мана шу иш ортида турган инсонларнинг ҳаёти, ҳуқуқи ва эрки асосан ўзига, ўзининг қай тарзда иш олиб боришига боғлиқлигини англаб турмоғи лозим. Том маънодаги терговчилар шундай қилишади ҳам. Биз шундай терговчилар қаторига Жўрабой Қодировни ҳам қўшимиз келади.

Жўрабой 1960 йилда Фарғона вилоятида таваллуд топган. Армия сафидан қайтгач, 1981 йилда Тошкент аэропортининг ички ишлар бўлимида жиноят-қидирув бўлими кичик нозири вазифасида иш бошлади.

Бу ерда у жуда кўп нарсаларни ўрганди. Илк бора жиноятчилар билан ҳам шу ерда юзма-юз келди. Хизматнинг машаққатлари, оператив ишнинг қийинчиликларига кўника бошлади. Дастлаб хизмат оғир туюлди. Уни ички ишлар идораларига етаклаб келган орзу-истак, шу соҳага бўлган қизиқиш бу қийинчиликларни бартараф этишда ёрдам берсада, меҳнати оғир эди. Чунки ҳаёт барибир ҳаёт, ўзининг билганини қилади ва тасаввур билан ҳар доим ҳам чиқишавермайди.

Бирин-сирин ойлари ўтди. Улардан сўнг йиллар. Вақт эса кишига ўз таъсирини ўтказмасдан қўймайди: ёшгина Жўрабой тажрибали ходимга айланди. Энди ундаги орзунинг ўрнини адолатга ташналик, жиноятчиларга нисбатан бўлган нафрат эгаллади. Бу орада — 1989 йилдан бошлаб Яккасарой

туманида терговчи бўлиб ишлаб бошлади. У бу касбнинг машаққатли ва маънавий жавобгарлиги кучли эканини аввалдан яхши биларди. Шунинг учун ҳам янги ишга ўта тиришқоқлик билан ёндашди.

Милиция катта лейтенанти Жўрабой Қодиров яқинда катта терговчи вазифасига ўтказилди. Буларнинг ҳаммаси ўз касбини сидқидилдан севиши, бутун вужуди билан берилиб ишлаши, ўзи олиб бораётган ҳар бир ишга адолат мезони билан баҳо бериб, ҳар томонлама ўрганиши туфайлидир.

Яқинда номаълум кимсалар ярим кечаси “Ҳосилот” меҳмонхонаси ёнидан пойтахтга меҳмонга келган М. Каримовнинг “нўл олти”сини ўғирлаб кетишади. Албатта, меҳмон анча саросимага тушиб қолди. Ахир айна чорда битта машина олиш учун озмунча тер тўкиш керак бўлади.

Бу ишни олиб бориш Жўрабойга топширилган эди. У вазиятни ҳар тарафлама чуқур ўрганди. Жабрланувчи, меҳмонхона маъмурлари билан суҳбатлар ўтказилди. Оператив ходимларга зарур топшириқлар берилди.

Ички ишлар идоралари ходимлари тезда машина ўғирларини қўлга олишди. Буни қарангки, улар ўша меҳмонхонада хизмат қилишар экан. Улар ўша кун ишда бўлишмаган ва ўзларининг “мижоз”ларини тунашга қарор қилишган.

Терговнинг пухта ва одилона олиб борилиши натижасида жиноятчилар ўз қилмишларига тўлиқ иқдор бўлишди. Суд уларни тўққиз йилдан озодликдан маҳрум қилди.

Машина эса эгасига бус-бутунлигича қайтарилди. Бунчалар бўлишига ишонамаган меҳмоннинг қувончи чексиз эди.

ТЕРГОВЧИ

Жўрабой тергов қилган бунақа ишларни қўллаб келтириш мумкин. Аммо биз яна биттасига тўхталмоқчимиз.

Ҳайрат 1989 йилда Зомин туман халқ суди томонидан бир йилга шартли равишда, 1992 йилда Юнусобод тумани халқ суди томонидан уч йилга шартли равишда судланган, жазони Андижон шаҳар халқ хўжалиги қурилишларидан бирида ўтаб юрган эди. У ердан қочиб, Тошкент шаҳрига келди.

Унинг ёнида шахсини тасдиқловчи ҳеч қанақа ҳужжати бўлмаган. Умуман унинг учун шахсининг сира тасдиқланмагани дуруст эдику-я, аслида. Унга фақат жиноят қилиш учун бировнинг номи, ҳужжати керак эди. Шу сабабли “Ленинград” меҳмонхонасида Ф. Рустамов деган кишини алдаб, унинг паспортини олиб кетди. Бу ҳужжат унга жиноят қилиш учун жуда қўл келар, бунинг устига қидирувдан яширинишга ҳам яхши эди.

Ҳайрат ўша фуқаронинг номи билан “Ешлик”, “Цирк на сцене”, “Ҳосилот” меҳмонхоналарида яшаб юрди.

Маълумки, бир жиноят қилган киши учун иккинчисига қўл уриш ҳеч қандай муаммо эмас. Энди у бу ишга қўл ура туриб ҳеч иккиланмайди, сесканмайди. Ҳайрат “Цирк на сцене” меҳмонхонасида яшаб юрган чоғида шу ерда турган бир фуқаронинг бир миллион сўм пули, 60 минг сўмлик узуги, 20 минг сўмлик никоҳ узугини, яна бир фуқаронинг туфлиси, қўйлагини ўғирлаб кетди.

Тергов жараёнида ўғри қилмишига тўла иқдор бўлди.

Жўрабойнинг олдида ҳали қанчадан қанча оғир ишлар турибди. Биз эса унинг хайрли ишига омад тилаймиз.

Нурмуҳаммад ўғли ТАЛҲАТ.

ЖИНОЯТНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

ЭРТАЛАБ тонг ёриша бошлаганда Қарши йўналишидан катта тезликда келаётган енгил автомашина Яккабоғ давлат автомобиль назорати постида хизмат вазифасини ўтаётган Бухоро ички ишлар бошқармаси ДАН алоҳида рота йўл назоратчилари, милиция катта сержантлари Рустам Чўлиев, Нуриддин Усмонов, милиция сержанти Ҳайдар Ҳамидов ва вилоят ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлими нозири, милиция сержанти Алишер Шариповларнинг диққатини тортди. Ж 01-24 КФ давлат белгилли Москвич-412 автомашинаси тўхтатилиб, текширилганда йўловчилар — Тожикистон республикаси фуқаролари Камол Калонов ва Абдувахоб Бўриев безовта бўла бошладилар. Бу ҳол милиция ходимларида шубҳа уйғотди. Машина синчқовлик билан текширилаётганда Камол Калонов сумка ичиде яшириб қўйилган АКМ-74 автоматни милиция ходимларига тўғрилади. Милиция сержанти А. Шарипов ўзига қаратилган автоматни чаққонлик билан қўлидан тортиб олди. Вазиятнинг ўзгарганини кўрган К. Калонов қоча бошлади. Бироқ, милиция ходимлари тезлик билан ҳаракат қилиб, уни қўлга олдилар. Улардан шунингдек 2 дон Калашников автоматининг магазини, 87 дон жанговар ўқ ва бир дон портловчи пакет топилди.

Милиция ходимларининг ҳушёрлиги туфайли жиноятнинг олди олинди. Автомат ва жанговар ўқларнинг Тожикистон республикасидан Бухорога олиб келиш сабаблари тергов давомида аниқ бўлади.

Шухрат ҚЎЛДОШЕВ,
Бухоро вилоят ИИБ матбуот гуруҳи ходими,
милиция майори.

ДУШАНБА

23 АВГУСТ

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ёшлик" студияси. "Эзоз". 18.45 "Саодатли санъат сайёралари". Фильм-концерт. 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Мустақиллик одимлари". 19.55 Ёлонлар. 20.00 "Денгизлар оша". Хужжатли фильм премьераси. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Жоним Ўзбекистон". Адабий-музика композиция. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мустақиллик одимлари". 21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. "Булоқлар кўз очганда". Сурхондарё вилояти. 22.35 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 1-қисм. 23.40 "Хотира" Алп Жамол. 00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

18.30 "Ассалому алайкум" (такрор). 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Миришкорлар" 20.20 "Билиб қўйган яхши". 20.40 "Ўзбекистон спорти" (рус тилида). 21.20 ИИБ матбуот маркази хабар қилади. 21.35 "Дон Кихот болалари". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

5.00 "Яқунлар". 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Тингланг, томоша қилинг...". 8.40 "Транссибир". Йўл бошида". Телефильм премьераси. 1 ва 2-сериялар (Владивосток). 9.30 "Гол". 10.00 "Мавзу". 10.45 Мультфильм. 11.00 Янгилар.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемист". 15.10 "Иш". 15.20 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 15.45 "Янги номлар". 16.20 "Иқболи кулганда". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.30 "Хафтангир акс садоси". 18.00 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. Германиядан кўрсатилади. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Ўзгариш". "Хотира ороллари". Телефильм премьераси. 1-серия. 21.15 "Спорт уик-энди".

"Янги студия" таништилади: 21.30 "Джем-сейши". Л.Паваротти концерти. 23.00 Янгилар. 23.40 "Гол".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.20 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 "Россияда бизнес". 8.30 Тонгги концерт. 8.45 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади. 9.45 "Осойишталик № 9". 10.45 Хонаки экран. "Шамол ҳам қайтади". Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.55 "Дехқонларга тааллуқли масала". 10.20 Кундузги сеанс. "Инженер Гариннинг гиперболюди". Бадий фильм. 14.50 "Американинг ёввойи табияти". Кўп серияли телефильм премьераси. 15.25 Янгилар. 15.40 "Бола тилидан". 16.10 "Тинчлик ва уруш". 16.40 "Тақдир". Режиссёр ва актёр Родион Нахапетовнинг ижод ва ҳаёти йўли.

17.00—19.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.20 Душанба кунини детектив. "Лаки страйк" таништилади: "Ёвузлик ва севги". Бадий фильм. "Криминал ҳодисалар" туркумидан. 20.15 "Ретро-шлягер". 20.45 Катталар учун мультфильм.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.30 "Ҳақиқат онлари". 22.30 "Қутқариш хизмати 911". 23.25 Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. Штутгартдан кўрсатилади.

СЕШАНБА

24 АВГУСТ

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Билиб қўйган яхши". 7.50 "Беодоб" мультфильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 Ёшлар куйларидан. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

ЗАНГОРИ
ЭКРАНДА

9.00 "Ёшлик" студияси. "Талабалар сахнасида". 9.50 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Доно бобо даврасида". 18.50 "Бозор иқтисодиёти йўлида". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Мустақиллик одимлари". 19.55 Ёлонлар. 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Комилжон Отаниёзов номидаги "Лазги" ашула ва рақс ансамблининг концерти. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мустақиллик одимлари". 21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. "Булоқлар кўз очганда". Қашқадарё вилояти. 22.35 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 2-қисм. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

18.30 "Уолт Дисней таништилади..." Мультфильмлар тўплами. 19.20 "Менинг Республикам". Телефильм. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Билим сарчашмалари". 20.30 "Иқтисодчилар мактаби". 21.25 "Суперспорт". 22.00 Ёлонлар. 22.05 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Қувноқ нотачалар". 8.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.30 "Инсон ва қонун". 10.00 "Сариқ дарё". Ун серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 8-серия. 11.00 Янгилар. 11.20 "Спрут-4". Олти серияли телевизион бадий фильм. 1-серия.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Ишбилармон кишилар хабарномаси". 14.40 "Конверсия ва бозор". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. Давлатларо "Останкино" телеканали Украина телевидениеси кўрсатувларини таништилади: 15.40 Болалар учун музика кўрсатув. 16.05 "Қутилмаган ёлғир". Эстрада куйларидан концерт. 16.30 "Бир-бировини тушуниб етса...".

16.40 Мультфильм. 16.50 "Технодром". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан).

17.25 "Украина — озолик йўлидан". Кўрсатувда Украина Президенти Л.М.Кравчук иштирок этади.

18.00 "Оддий Мария". Кўп серияли бадий фильм премьераси. 18.45 "Мулкдор алифбоси". 18.55 "Мавзу". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Ўзгариш". "Хотира ороллари". Телефильм премьераси. 2-серия. 21.45 "Пепси" стилидаги музика. Жексонлар. Америкача орзу". Беш серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. 22.45 Мультфильм. 23.00 Янгилар. 23.40 "Спрут-4". Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 "Ҳақиқат онлари". А.Караулов саволларига В.Черномырдин жавоб беради. 11.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 208-серия. 11.50 Паниночи Ж.П.Арманго чалади (Франция). 12.20 Мультфильм. 12.30 "Элчи буйруғи". 13.05 "Кечки салон" сахналарида. 14.40 "Ўз-Ўзига режиссёр". 15.10 Янгилар. 15.25 "Рост" студияси. "Космос дарслари". "Азаматлар". 15.55 Трансроссэфир. "Шафқатли ҳаёт". 16.40 "Келинг,

аниқлаб олайлик".

17.00—19.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.05 "Маски А.Л.". 19.25 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 209-серия. 20.15 Янги иллюзион. "Бу ерда кимдир бор!".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 Спорт кўрсатуви. 21.35 "Осойишта иш боши". 22.10 "Жаноблар-ўртоқлар". 22.25 "Қўна ленталар". Владимир Матусов ва Виталий Копилов. 22.55 Александр Малинин куйлайди. 23.25 "Аз-эсмь".

ЧОРШАНБА

25 АВГУСТ

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Тимсоҳ мушук". Мультфильм. 7.40 Лирик концерт. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 "Қувноқ болалар". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 Ўсмирлар учун. "Улғайиш поғоналари". 9.40 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Мустақиллик ва халқ таълими". 18.45 "Нодир хазина". Телефильм. 18.55 "Муҳандис". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Мустақиллик одимлари". 19.55 Ёлонлар. 20.00 "Нурли Тошкент оқшомлари". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Ислоҳот — давр талаби". 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мустақиллик одимлари". 21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. Замонавий ўзбек халқ кўшиқларининг "Анор" телевизион танлови. 22.35 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 3-қисм. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

18.30 Болалар учун. "Кичик саёҳат". 19.00 "Спринт". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Меҳр-шафқатли бўлайлик". 20.15 "Тошкент: шаҳар юмушлари". 21.05 "Кинотриада".

"ОРБИТА IV"

5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 Мультфильм. 8.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.30 "Савдо кўприги". 10.00 "Сариқ дарё". Ун серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 9-серия. 11.00 Янгилар. 11.20 "Спрут-4". Олти серияли телевизион бадий фильм. 2-серия.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 15.40 "Қизлар орасидаги сир". 16.00 "Клуб 700". 16.30 "Бугунги Миср". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 "Танишинг: "Мир" телекомпанияси". 17.50 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.40 З.Тутов ижодий кечаси. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Ўзгариш". "Шуларга ўхшаш...". Телевизион бадий-публицистик фильм премьераси. 2-фильм. 21.05 1993 йил кўшиқлари. 22.20 "Олам дам олишда". 23.00 Янгилар. 23.40 "Спрут-4". Олти серияли телевизион бадий фильм. 2-серия.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 Параллеллар. 8.15 Христианлар учун кўрсатув. 8.50 "Аз-эсмь". 9.35 Мультфильм. 9.55 "Ретро-шлягер". 10.25 "Оқ қарға". 11.10 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 209-серия. 12.00 "Россия фермери" бутунжаҳон ярмаркаси. Санкт-Петербургдан кўрсатилади. 12.30 "Лад-галерея". 13.20 Бир санъаткор театри. И.Вишняков. 13.40 "Бизнес: янги номлар". 14.00 Киноқисса. "Ғалати одамлар" (1966 й). 15.40 Янгилар. 15.55 Мультфильм. 16.10 Трансроссэфир. "Узоқ Шарқ". 16.55 Мультфильм.

17.00—19.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 210-серия. 19.50 "Сиз яратган бог". 20.20 "Қюша хузурида". 20.50 Спорт кўрсатуви.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 "Диссидентлар". Хужжатли фильм. 22.25 "Экзотика". 23.25 Криминал хабарлар экрани. 23.35 "60 дақиқа". Си-Би-Эс ва Россия телевиденисининг кўрсатуви.

ПАЙШАНБА

26 АВГУСТ

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Кекса санъаткорлар". 7.50 "Филон". Телефильм. 8.00 "Ўйинқароқ болалар". Мультфильм. 8.10 "Тоғларнинг гули ўзгача". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида). 9.10 "Ёшлик" студияси. "Талабалар йилларим". 9.50 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Тарадуд". Мирзо Улуғбек таваллуд топган куннинг 600 йиллиги олдидан. 18.45 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.00 Ёлонлар. 19.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" — "Нурафшон" (Бухоро). 2-тайм. "Пахтакор" Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. 19.50 "Мустақиллик одимлари". 19.55 Ёлонлар. 20.00 "Баҳор". Манзарали фильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.2 "Санъат оламида". 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мустақиллик одимлари". 21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. "Булоқлар кўз очганда". Тошкент вилояти. 22.35 Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 4-қисм. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

18.30 "Синегорье — менинг юртим". Телефильм. 18.45 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.00 Болалар учун. "Табассум". 19.40 "Наманган сеҳргарлари". телефильм. 20.00 "Дам олиш соатларида". 20.10 "Тошкент оқшомлари". 21.40 Ёлонлар. 21.45 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 Мультфильмлар. 8.45 "Оддий Мария" Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.30 "Қадимий халқ ёшлиги". Давлат адигей "Нэлымас" рақс ансамблининг концерти. 10.00 "Сариқ дарё". Ун серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 10-серия. 11.00 Янгилар. Кундузги киноэкспресс

11.20 "Турмуш кичик-кичиклари". Бадий телесериал. 13 ва 14-сериялар. 12.20 "Спрут-4". Олти серияли телевизион бадий фильм. 3-серия.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси. 15.40 Давлатларо "Останкино" телеканали "Пешвоз чиқиб" кўрсатувини таништилади. 16.00 "Сиз бунга

қодирсиз". 16.40 "... 16 ёшгача ва ундан катталар". Танаффус пайтида (17.00) — Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.45 "Мулкдор алифбоси". 18.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.50 "Ўзгариш". "Рус олами" кўрсатуви. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Мосфильм"нинг 70 йиллигига. "Механик пианино учун тугалланмаган пьеса". Бадий фильм (1976 й). 22.15 "Жамоатчилик фикри". 23.00 Янгилар. 23.40 "Жамоатчилик фикри" (давоми). 23.55 "Спрут-4". Олти серияли телевизион бадий фильм. 3-серия.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 Тонгги концерт. 8.15 "Яхшилик ихтиёр эт". 9.00 "Леонарда Лавлинский чўққиси". 9.30 Мультфильм. 9.50 "Пилигрим". Россия савҳатлар бюроси. 10.35 "Кузирхоним". 11.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм 210-серия. 11.55 "Россия фермери" бутунжаҳон ярмаркаси. Санкт-Петербургдан кўрсатилади. 13.00 "Фольклор". 13.30 Севги ва саховат кўшиқлари. 14.30 Янгилар. 14.45 "Рост" студияси. "Кенгуру". 15.20 Трансроссэфир. "Хусусийлаштириш панорамаси". 16.10 "Пилигрим".

17.00 — 19.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 211-серия. 19.50 "М-трест". 20.05 Ватаним менинг. "Учрашув жойи — Санкт-Петербург". 1-қисм.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.30 Ватаним менинг. "Учрашув жойи — Санкт-Петербург". 2-қисм. 23.00 Стас Намин (Эс-Эн-Си) маркази таништилади: "Сариқ сувости кемаси" клуби". 23.30 Криминал хабарлар экрани. 23.45 "Рус визаси". 00.15 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида.

ЖУМА

27 АВГУСТ

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Фермерлар". Телефильм. 7.50 Мутахассис маслаҳати. 8.00 Севги тароналари. 8.20 "Қўшниллар". Мультфильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 "Орзулар оғушида". Бадий фильм. 10.05 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилари (АҚШ). 10.20 "Юзма-юз". "Туркистон" газетасининг мушарийлари билан учрашуви.

7.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Томоша". 18.40 "Фароғат опа". "Ўзбектефилм" премьераси. 19.05 Мустақиллик мушоираси. 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Мустақиллик одимлари". 19.55 Ёлонлар. 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли яхкахонларининг концерти. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мустақиллик одимлари". 21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. "Булоқлар кўз очганда". Навоий вилояти. 22.35 Чўлпон. Кеча ва кундуз. Видеофильм. 5-қисм. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

"ОРБИТА IV"

Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. Кино кўни 8.20 "Мультбайрам...". 10.10 "Савҳатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 11.00 Янгилар. Кино кўни 11.20 "Око" студияси "Пўлат ва

кўзёшдан бунёд бўлган аёл" ҳужжатли фильми премьерасини таништилади ("Инсон ва давр" киновидеостудияси). 12.15 "ВГИК": келажакни кутиб".

Давлатлараро "Останкино" телеканали
Молдова телевидениеси
кўрсатувларини таништилади:
13.30 "Шов-шувга ҳали эрта".

14.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Бридж". 14.50 "Бизнес-класс". 15.10 "Тедди Раксиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультфильм премьераси.

Давлатлараро "Останкино" телеканали
Молдова телевидениеси
кўрсатувларини таништилади:
15.35 "Болалик гўё момақаймоқдек". 16.05 "Лаутари". Мусикий кўрсатув.

16.35 Епископ Василий Родзянко билан суҳбатлар. 22-кўрсатув (яқунловчи). 16.50 "Технодром". 17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).

17.20 "Молдованинг бугунги кунин". Кўрсатувда Молдова Президенти М. Снегур иштирок этади.

17.50 "Инсон ва қонун".

Кино кунин
18.15 Телеэкранда биринчи марта. "Оқ қирол, қип-қизил қиролича". Бадий фильм ("Киноконцерн курьер" студияси, "Мосфильм", Париж, Женева, Берлин). 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар.

"ВИД" таништилади:
20.25 "Хафтанинг машҳур кишиси". 20.40 "Мўъжизалар майдони". 21.35 "X" программаси.
Кино кунин
21.50 "Дектективлар клуби"да. Телеэкранда биринчи марта. "Совук тер" (Италия, Франция). 23.35 Янгилликлар.

00.15 "Авто-шоу". 00.30 "Юлдузли тўлқин". "Обоз" майдончаси Севастополда. 1-қисм.

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 "Параллеллар". 8.15 "Минора". 8.45 Ватаним менинг. "Учрашув жойи — Санкт-Петербург". 1-қисм. 9.40 Ватаним менинг. 2-қисм. 11.10 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий фильм. 211-серия. 12.00 "Россия фермери" бутунжаҳон ярмаркаси. Санкт-Петербургдан кўрсатилади. 13.00 "Сиз яратган бог". 13.35 Мульт-пульт. 13.55 "Хайвонот оламида". 14.55 Янгилликлар. 15.10 "Рост" студияси. "Ким томон?". 15.40 Жума кунлари Дисней. "30 га қарши 14". Бадий фильм 2-серия. 16.30 Трансфазир. "Портретга чизгалар".

17.00 — 18.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.30 Хонаки экран. "Механик Гавриловнинг суюкли хотини". Бадий фильм. 19.50 "Матильда Кшесинская. Мавзу ҳаёллари...". Бадий многографик-видеофильм премьераси.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 Спорт кўрсатувини 21.40 "Славян бозори". II халқаро мусикий фестивал Ёш ижрочилар танловининг финали. 23.25 Тунги сеанс. "Ёш хотин". Бадий фильм.

ШАНБА

28 АВГУСТ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Ялла ва лапарлар. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 Шифокор маслаҳати. 8.20 "Энг ширин қовун". Мультфильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 "Кониот сирин". Бадий фильм. 10.25 "Устоз". Ўқитувчи Эргаш Қосимов. 10.55 "Тадбиркор фермерлар". 11.25 "Ухшаши йўқ бу гўзал бўстон...". 11.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. Вилоят ёшлари телевизион фестивали. Наманган. 13.15 "Фидойи аёллар".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. "Қўшигим, жон қўшигим". 18.45 "Ўқитувчиларнинг август кенгаши олдидан". 19.30 "Ўзбекистон ахбороти" (рус тилида). 19.50 "Мустақиллик одимлари". 19.55 "Бахтли онлар". Телефильм. 20.10 "Оқшом эртақлари". 20.25 Санъат усталарининг концерти. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мустақиллик одимлари". 21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. "Булоқлар кўз очганда". Қорақалпоғистон Республикаси. 22.35 "Умр мазмуни". Академик Хабиб Абдуллаев. Видеофильм. 23.30 "Кўнгилда Ватан". Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидан тайёрланган кўрсатув. 00.15 "Тунги ёғду". Дам олиш кинопрограммаси.

ЎЗТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

"ОРБИТА IV"
5.45, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 Мультфильм. 6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгилликлар. 7.30 "Моторлар оламида". 8.00 "Марафон-15" таништилади. 8.30 "Экстро-НУЖ". 9.00 Шанба кунги дастхат. 9.30 "Спорт. Спорт. Спорт...". 10.10 "Тиббиёт ҳамма учун". 10.50 "Китобхона". 11.30 Ҳокимият сиймоси. 11.45 "Золушка ҳузурида зиёфатда". 12.45 Режиссерлар В. Краснопольский ва В. Усков фильмлари. "Энг секин юрар поезд". Бадий фильм. 14.00 Янгилликлар. 14.25 "Марказий экспресс". Европа тележурнали. 14.55 "Ультра-си" спорт кўрсатувини. Аэробика бўйича жаҳон чемпионати. АҚШдан кўрсатилади. 15.35 "Вагон 03". 16.05 "Янгра, гармон!" (Вологда). 16.50 "Пул ва сиёсат". Иқтисодиёт кўзгусида халқаро муносабатлар. 17.20 "Хайвонот оламида". 18.00 "Қойилмақом еттовлон". 18.50 "Коламбия пичерс" таништилади. "Ти Жей Хукер". Етти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.25 "Коламбия пичерс" таништилади. "Бундан буён ва асрдан асрларга". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-фильм. 1-қисм. 21.25 "Резонанс" студияси таништилади. "Канкан". 21.55 "Қора денгиз узра...". "Май табассум" сатира ва юмор фестивали. Танаффус пайтида (23.00) — Янгилликлар. 00.10 Сўнги киносеанс. "Декалог-IV". Телевизион бадий фильм.

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 "Оламга ўз нигоҳи билан қараш". 7.55 "Бандангни асра, Худойим". Ҳужжатли фильм. 8.30 "Хали анланмаган кинот". 9.00 "Рост" студияси. "Гўзал қизлар". "Бизнинг "Аралаш". 9.30 "Пилигрим". Россия саёхатлар бюроси. 10.15 "1914 йилнинг августи". Ҳужжатли фильм премьераси. 1-серия. 11.15 "Россия фермери" бутунжаҳон ярмаркаси. "Санкт-Петербургдан кўрсатилади. 12.15 "Қандай яшаймиз?". 13.00 Россия қобусномаси. "Иван Прянишников". 13.35 "Изабель". Дам олиш викторинаси. 14.20 "Болатида". 14.50 "Омад кулиб боққанда". Саралаш тури. 15.00 "Чегарасиз футбол".

15.55—17.20
"ЎЗБЕКИСТОН"
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
15.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 16.05 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда". 16.40 "Мен хорижда тахсил олаётганман". 17.10 "Бу турфа олам".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.20 Такрорий фильмлар кинотеатри. "Бир йилнинг тўққиз кунин". (1961 й). 19.05 Мульт-пульт.

19.20—21.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 Спорт кўрсатувини. 21.35 "Шарман-шоу". 23.05 "Каундаун". Оммабоп куйлар янгилликлари. 24.00 "Фильм-премьер. "Қора баронлар". Бадий фильм (Чехо-Словакия).

ЯҚШАНБА

29 АВГУСТ

ЎЗТВ I

7.00 "Ассалому алайкум".
8.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 8.30

Болалар учун. "Тонгги салом". 9.00 "Маҳаллада дув-дув гап". Бадий фильм. 10.20 "Спорт хабарномаси". 10.40 "Истиқлол ва адабиёт". 11.20 "Ташаббускорлар ҳиммати". 11.50 "Халқ ижодиети". 12.35 "Муруват". 13.05 Самарқанд вилояти Оқдарё тумани "Тарона" ашула ва рақс ансамблининг концерти. 13.40 Янги ўқув йили олдидан. Мулоқот.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсмирлар учун. "Ўғил — умидюлдузи". 18.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. "Латиф Файзиев". "Ўзбектефильм" премьераси. 19.15 "Ойнаи жаҳонда...". 19.30 "Хафтаном" (рус тилида). 20.00 "Мустақиллик одимлари". 20.05 "Якшанба оқшомида". 21.00 "Хафтаном". 21.40 "Мустақиллик одимлари". 21.45 "Вафoning узун йўли". Ўзбекистон халқ эзувчиси Ҳамид Ғулом. 22.45 "Келинлар кўзголини". Бадий фильм. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II
7.00—12.00
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

"ОРБИТА IV"
5.40, 14.15, 21.45, 23.15 — Кўрсатувлар тартиби. 5.45 "5.55 "Рухни чиниктириш". 6.55 Янгилликлар. 7.30 "Авто-шоу". 7.45 "Технодром". 8.00 "Марказ". 8.30 "Эрта саҳарлаб". "Денвер — динозаврларнинг энг сўнгиси". Кўп серияли мультфильм премьераси. 9.00 "Ҳамма уйдалигида". 9.30 "Спортлото" тиражи. 9.45 "Тонг юлдузи". 10.35 "Ҳарбий ревью". 11.05 Сергей Есенин. "Мени кечир, кечир Она-Россия...". 11.50 "Эпкин ёзишмалар. Венециядаги ўлим". 12.15 "Марафон-15". "КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ" канали таништилади: 13.00 "Пиф ва Геркулес" Кўп серияли Мультфильм премьераси. 13.10 "Кусто командасининг сувоти одиссеяси". Кўп серили ҳужжатли фильм премьераси.

14.00 Янгилликлар. 14.20 Ю. Башмет раҳбарлигидаги Москва консерваторияси солистлар ансамблининг концерти. 14.35 "Саёхатчилар клуби". 15.25 "Хунарли хор бўлмади". 15.30 Мультфильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари", "Ҳақиқий ажина оловчилар". 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.00 "Панорама". Хафталик халқаро кўрсатув. 17.40 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 17.35 Цирк томошалари. 18.10 "Маринскда променад". 19.40 Телеэкранда биринчи марта. "Тери". Бадий фильм ("Ралид" киностудияси, "АКВО"). 20.55 Эълонлар.

21.00 "Яқунлар". 21.50 Эстрада концерти. 22.00 "Эндилликда". Диний кўрсатув. 23.00 Янгилликлар.

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ҳужжатли фильм. 7.55 "Хайрли тонги". 8.25 "Фольклор". 8.55 "Рост" студияси. Кун узайтирилган гуруҳ. 9.25 "03" кўрсатувини. 9.55 "Ати-бати...". 10.25 Кипрас Мажейка. Вашингтон — Москва. 10.55 "Европа ўт ичида". Ҳужжатли фильм премьераси. 2-серия. 11.55 "Россия фермери" бутунжаҳон ярмаркаси. Санкт-Петербург кўрсатилади. 12.45 "Кесиб ташламанг". 13.00 "Пигмаллион". 13.35 "Маски-шоу".

14.05—15.55
"ЎЗБЕКИСТОН"
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
14.05 "Мамлакатлар воқеалар одамлар". 14.15 "Безиен мирас" (татар тилида). 15.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. "Дўстлик сарҳад билмайди". 15.40 "Бу турфа олам".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55. Диснейнинг сеҳрли олами. "Винни Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора плашч". 16.45 "Ҳар бир кун байрам". 16.55 "Дарахт ва шохлари". Телефильм. 17.25 Си-Би-Эс кинотеатри. "Шимолӣ қирғоқ ва Қўпол тери".

19.05—21.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатувини. 21.30 "Монте-Карло" фестивали. 23.00 "А" программаси.

("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" газетасидан олинди).

Жиззах йўлларида

1993 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида вилоятимиз автомобиль йўлларида 144 та йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. Бу кўнгилсиз ҳодисаларда 57 киши ҳалок бўлиб, 191 киши эса ҳар хил даражадаги тан жароҳатлари олишди. Умумий ҳодисалардан 44 таси болалар билан боғлиқ, кўнгилни изтироб этадигани уларда ўн та кичкинтой ҳаётдан кўз юмди.

Давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан 1103 нафар ҳайдовчи автотранспорт воситаларини маст ҳолатда бошқарганликлари учун тўхатирилган. Спиртли ичимлик истеъмол қилиб, автотранспорт рулини бошқарувчиларга нисбатан жарима миқдорининг оширилганлигига қарамадан ҳар кун 14 тагача маст ҳайдовчилар аниқланяпти.

Шу давр мобайнида 21 та транспорт воситаси олиб қочилган, улардан 16 таси қўлланилган тезкор чора-тадбирлар туфайли топилган.

Содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси 19 тасида айбдор ҳайдовчилар яширинишган, қўрилган чора-тадбирлар туфайли уларнинг 16 нафари топилиб, тергов

бўлинмаларига топширилди.

Мотоцикл ҳайдовчилари ҳаракатдаги транспорт воситалари ва пиедалар учун хавфли ҳолни келтириб чиқармоқда. Шу кунгача мотоцикл ҳайдовчилари 22 та йўл ҳодисаси содир этилиб, беш киши ҳалок бўлди ва 18 киши тан жароҳати олди.

Ўлкамизда ёз мавсуми. Жазирама ёзининг об-ҳавоси ҳаракатдаги ҳар қандай ҳайдовчини толиқтиради. Йўлдаги асфальт тафти, двигателдан чиқадиган иссиқ шамол ҳайдовчини лоҳас қилади.

Ўзида чарчоқ сезган ҳар бир ҳайдовчи, йўл ҳаракати қондасида кўрсатилгандек, бир оз бўлсада дам олиб, кейин сафарини давом эттирсин, ўзининг ва бошқа ҳайдовчиларнинг хавфсизлигини таъминлаган бўлади.

Ёз мавсумининг дастлабки июнь ойи мобайнида автотранспорт воситасини боқараётганда ухлаб қолган ҳайдовчилар томонидан 5 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, 2 киши ҳалок бўлди ва 5 киши оғир тан жароҳати олди.

Н. МУРОДОВ.
Жиззах вилояти.

СУРАТЛИ ХАБАР


ЧИРЧИҚ ШАҲАР ИИБ Давлат автомобиль назорати ходимлари ҳам айни кунларда ўз хизмат бурчлари талабларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бормоқдалар. Ушбу уч суратда уларнинг хизмат фаолиятлари акс эттирилган.



Суратларда: йўл назорати катта нозири, милиция капитани Абдулла Эрназаров, нозир, милиция старшинаси Фазлитдин Эштовев, нозир, милиция старшинаси Қуандиқ Абултоевлар (юқоридаги сурат), ДАН ходими, милиция сержанти Абдутолиб Саидбобоев (ўртадаги сурат) ва милиция кичик



сержанти Равшан Аҳмедовлар (қуйидаги сурат) хизмат пайтида.



Е. БОТИРОВ олган суратлар.

БЕЧОРА ЗУЛАЙХО!

Етмиш икки йил умр кўрган америкалик жамоат ва сиёсат арбоби Томас Пен: — "Маст киши одам эмас, чунки у инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи ақлини йўқотган", — деган бўлса, у билан баробар умр кўрган француз ёзувчиси ва жамоат арбоби Ф.Ламенне эса: — "Анави киши мастликдан қалтираб қолган қўллар билан стакандан нима ичаётганини биласизми? У хотини ва болаларининг кўз ёши, қони ва ҳаётини сипқораяпти", — деб ёзиб кетган экан.

Бу икки донишманднинг айтганлари назаримизда, Андижоннинг Избосканида яшаб, энг қабиҳ жиноятга қўл урган Мақсуд Раҳимов деган кимсанинг шум тақдири ҳақида айтилгандек.

Одам боласи шунчаликка ҳам борадими-а? Ичкилик Мақсуднинг миясини пармалаб, ақлини буткул кемириб ташланган, оёғи қаёққа етакляпти-ю, қўллар қайга чўзилапти — сира идрок эта олмай қолганди.

Бирор воқеа содир бўлиши муқаррар эди, бироқ бунчаликка боришини ҳеч ким ўйламаганди.

Ўтган йилнинг 12-14 сентябрь кунлари Мақсуд ўз уйини

А.Абдуллаев, Б.Турсунов, К.Турсунов, Э.Шамсуддинов каби қиморбоз оғайниларига бўшатиб берди. Бунга қадар у хотинини қизи Зулайхо билан онасиникига ҳайдаб юборганди. Уйда қолган икки ўғли билан эса иши ҳам йўқ. Яхшиям болаларга қараб турадиган бувиси Ўлмасхон ая бор экан.

Хуллас, қиморбозлар жой учун Мақсудга чўтал бериб туришарди. Шу пуллар ҳисобига Мақсуд кайф-сафо қиларди.

16 сентябрь куни ичкиликбоз ота битта шишани бўшатиб, қизи ўқидиган мактабга йўл олади. У ерда Зулайхонинг ўқитувчиларга учраб, қизининг мазаси йўқлигини, докторларга кўрсатмоқчи эканлигини айтади. Ҳеч нарсадан беҳабар мактабдагилар қизчага рухсат беришиб, уни отасининг олдига солиб берадилар. Уйга келишгач, ота ўғли Дилшодга ичкилик келтиришни буюради. Буйруқ сўзсиз бажарилади. Ота ўғилларини мол боққани жўнатади. Мақсуд ичкилик ичиб маишат қилади, ўзи ичса ҳам майли эди, қизи Зулайхога ҳам мажбурлаб ичиради. Ичкилик таъсирида ота ўз пушти камаридан бўлган ожиза қизига куч ишлатиб, номусига тегади. Кейин ҳовлига чиқиб ювингач, яна қизининг олдига киради. Бечора қиз оғриққа чидай олмай азобда ётарди.

Мияси қарахт ваҳший ота иккинчи жиноятга ҳам қўл урди. Гўёки, шу билан барча қилмишларини яширадигандек эди. У бокира ва бегуноҳ қизчасининг иффатини булғгани камлик қилгандек, Зулайхонинг

оғзини қўли билан беркитиб, бўға бошлади. Беш-олти дақиқа типирчилаб ётган Зулайхо жимиб қолди. Жон танани тарк этган эди. Бунга амин бўлган ота қизининг устига кўрпа ташлаб хонани қўлфлади ва калитни ҳовлисига иргитиб юборди...

Ота нима қилиб қўйганини англагандек бўлди. У ўзини ёруғ жаҳонда ортиқча сеза бошлади. Ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлиб қўшни Қирғизистон республикасига қочади. Баланд тоққа чиқиб ўзини пастга ташлайди. Во, ажаб! Яхшига кун йўқ, ёмонга — ўлим деганларидек, у тирик қолди. Ўша атрофдаги одамлар уни Бозорқўрғон туманидаги шифохонага олиб боришди. У шифокорларга ўзини "Қосим Собитовман" дея олди, холос.

Энди Зулайхонинг жасади қолган уйдаги воқеаларни эшитинг.

Ўша маълум 16 сентябрь куни Зулайхо ўқишдан қайтавермагач, онаизор Муборакхон қизини излаб мактабга боради. Ўқитувчилари қизни отаси олиб кетганлигини айтишгач, нотинч кўнгли таскин топгандек бўлиб, яна аразлаб ўтирган уйга — онасиникига қайтади. Қизи эртасига, индинига ҳам қайтавермагач, юрагига нимадандир ғулғулага тушиб,

эриникига йўл олади. Бориб билсаки, эри ҳам, қизи ҳам икки кундан бери бедарак. Икки ўғли эса ҳайрон ўтиришибди. Шу куни улар кўпчилик бўлишиб, яна Зулайхони (дадаларини эмас) қидирадилар. Ота ва қиз ерда ҳам кўкда ҳам йўқ. Учинчи куни она ўғли Равшанбекка қўлфлоглик уйига кўча томондаги деразадан киришини тайинлади...

Зулайхонинг ўлимида айбдор деб гумон қилинган ота милиция ходимлари олиб борган чора-тадбирлар туфайли тез вақт ичида даволанаётган шифохонадан ушланиб, олиб келинди.

"Ўғлим дейишга тилим бормаиди!"

Волидасининг қотил ўғлига судда айтган гапи шу бўлди.

Яқинда вилоят суди ушбу жиноий ишни кўриб чиқди.

Суд Мақсуд Раҳимовни ўз қизи, 12 ёшли Зулайхо Раҳимованинг зўрлаб номусига теккани ва уни бўғиб ўлдиргани ва бошқа айбларини ҳисобга олиб ўлим жазосига ҳукм этди.

42 йил яшаган палид ота садқан сар. Лекин энди-гина 12 ёшга кирган Зулайхо-чи?! У ғунча ҳали ҳеч нарсани кўргани, ҳеч насага тўйгани йўқ эди-ку! Бечора Зулайхо!

Ўктамжон ХОЛИҚОВ,
Андижон вилоят ва шаҳар судининг
маслаҳатчиси.

ҲАМТОВОҚЛАР

Ҳозир ким кўп, уй қурадиганлар кўп, қурилишбоп ёғоч-тахта излаб юрганлар кўп.

Янги тахталарни одамлар айтилган нархга сотиб олишларини эса Нурбек яхши билади.

Ўтган йилнинг кузида Челақ шаҳридаги 8-маҳсус механизациялашган кўчма колонна омборхонасига ёғоч-тахта келтирилди. Ҳамма нарсдан бохабар бўлиб юрадиган Нурбек бундан ҳам хабар топди.

Унда тахталарни зимдан гумдон қилиш фикри пайдо бўлди.

Омбор қоровули билан гаплашиб кўриш керак. Аммо қоровулни кўндириб бўлармикан? Ўхшатмасдан учратмас деганларидек, қоровул Абдулазиз Кўбаев ҳам шуни кутиб турган эканми, рози бўлақолди.

Икки ҳамтовоқнинг фикри бир ердан чиқди. Улар "Тахта операцияси"ни қоронғи тушгандан сўнг бошлашга

келишиб олишди.

Нурбек белгиланган пайтда етиб келди. Икки ошна бир зумда ишга тушиб кетишди. Абдулазиз омборхонага кириб, 4 дона тўсинбоп тахтани елкалаб чиқди ва омборхона дарвозаси тагидан Нурбекка узатди.

Абдулазиз бу ердами учун Нурбекдан ўз "улуши"ни олди.

Абдулазизга бу "улуш" еқиб кетди шекилли, 3 кундан кейин қоровулликда туришини, агар яна тахта керак бўлса, ёрдамлашиб юборишини айтиб хайрлашди.

Кейинги сафар ҳам операция хамирдан қил сугургандек осон битди.

Бу гал Нурбек 8 дона тўсинбоп тахталик бўлди. Абдулазиз ҳам қуруқ қолмади, ўз ҳақини олди.

Нурбек ўғирланган тахталарни уйда сақлашга кўрқиб, қўшниси Салим Сувоновникига қўйди.

Салим ака уйда кўққисдан тахталар пайдо бўлиб қолганидан ҳайрон.

Нурбек тахталарни тезроқ гум қилиш учун харидорниям топди. Харидор ҳам антика экан. У тўсинларни кўрмасдан 1600 сўмга савдолашди. У эртасигаёқ тахталарни олиб кетиши керак эди, бироқ улгуролмади.

8-маҳсус механизациялашган кўчма колонна устаси Собир Унгалов ўғирланган тахталарни кўриб, улар давлатники эканлигини, қаердан олишган бўлса, ўша жойга обориб қўйиш кераклигини тайинлади.

Аммо, ўжар Нурбек бу тахталар меники, мен уларни бировга сотганман деб туриб олди. Уста бу вазиятда тўғри йўл тутди — ўғирланган тахталар ҳақида милицияга хабар берди. Милиция ходимлари тахталар кимга қарашли эканлигини осонгина аниқладилар.

Яқинда Челақ туман халқ суди ҳамтовоқларнинг жиноий ишини кўриб чиқди. Нурбек Маматқулов 3 йилга, Абдулазиз Кўбаев 4 йилга озодликдан маҳрум этилди.

М. ШЕРИЙИТОВ,
Челақ туман халқ суди раиси.

Улар тўрт киши эди. Бази жамшид авжига чиққан. Ёши улгуроғи Исмаат ака пиёлаларга оқидан қуйиб, иягини қашлаб мамнун жилмаяр, хурсандлиги шундоққина юз-қўздан билиниб турарди. Хиёл кайфи ошган Кўпайсин чайналиб: "Юрагингиз дарё экан, акам", дея гудурланди. Бу гапдан Исмаат ака сузмадай сузилиб кетди. Ўрнидан енгилгина қўзғалиб, эшикка йўналди. Ҳофиз ҳушёр эди. Кўпайсиннинг тиззасига тизза уриб:

— Ҳов, бақа бўлмоқчимисан, — деди, зардаси қайнаб, — ўзинг юз грамм ичдингми-йўқми, валдирайсан. Қўйсанг-чи?!

Кўпайсин оғирлашган қобокларини ярим йириб, тўнғиллади:

СЎНГГИ БЕКАТДАГИ ҚОТИЛЛИК

— И-ччсанг мулла бўласан. Ақлинг йўқ сени...

Ақбар, безовталанди. — Бу ёғи, қоронғу тушаяпти. Ҳали Ҳофизникига боришимиз керак. Уйи узок.

Шу пайт чойнак кўтарган Исмаат ака хушнуд ҳолда кириб келди.

— Бундан ҳар кимга қуявермаймиз. Одами бор. Бугун ҳолатини чиқардиларинг. Икки юзта гиштни цехларингдан ташиб келгунимча она сутим оғзимдан келай деди-я.

Исмаат ака мункиб кетишдан эҳтиёт бўлиб, кўрпачага чўккалади. Сўнг бўшаб қолган пиёлаларга обизамзамдан жиндай-жиндай қуйиб чиқди.

— Бай-бай, райхоннинг ҳиди келади-я. Вой, бўйларингдан аканг ўргилсин, — у шундай деб пиёлани ўпиб олди.

Даврада енгил қаҳ-қаҳа кўтарилди. Кўпайсин раққосадек қўлини ҳаволатиб чапак чалган бўлди. Яна ичишди. Ҳофизнинг кўзидан ёш чиқиб кетди. Кўпайсин эса оғзини чангаллаганича ух-ухларди. Пиёладаги спирт экан. Кейинги кўтаришга навбат етганда Ҳофизнинг қапалаги учиб:

— Етади, ака. Ағнашимиз шартми? — дея эътироз билдирган бўлди.

— Чўчиманг, жигарим, бу асилдан — Американики!

Исмаат ака пиёлани Ҳофизга узатди. Ақбар ҳам узр сўради. Сархушликдан нос ютган боладай эриб тушган Кўпайсин:

— Ич-лари-нг, йигитга ноз ярашмайди, — деди шалвираб.

Улар навбатдаги шишани ҳам бўшатишди. Вужудлари олов бўлиб ёна бошлади. Ҳофиз ҳушёр тортиб мезбондан рухсат сўради. Исмаат ака дуога қўл очиб, ёшларга омонлик тилади. Меҳмонлар жойидан қўзғалишди. Кўпайсин гандираклаб кетди. Агар Ақбар ёнидан ушлаб қолмаганда умбалоқ ошиши турган гап эди.

Кўчага чиқишди. Қоронғулик чўка бошлаган. Улар ҳозир Ҳофизникига боришлари керак эди. Маишатнинг давомини ўша ёқда қилишмоқчи. Шаҳарнинг Пахтазаавод бекатига етиб келишди. Бекатда йўловчилар кам. Шу пайт Шахрисабз-Китоб йўналишидаги автобус оҳиста келиб тўхтади. Йўловчилар узок кутиб қолишганим, бирдан ўзларини эшикка уришди. Бундан Кўпайсиннинг орияти кўзиди. Йўловчилар ўриндиқларни банд этган. Ярим кулги-ю, шивир-шивир авжига чиққан. Автобус оҳиста ўрнидан қўзғалди. Бояги қилиқдан ўзини тиёлмаган Кўпайсин бақирди:

— Ҳайвонлар! Қани ҳамманг кира ҳақини буёққа чўз, бўлмаса ичкаларингни сугириб-б оламан!

Йўловчилар ногаҳоний бу буйруқдан қотиб қолишди. Бир-бирларига енгил кўз уриштириб олишди. Жимликдан кутурган Кўпайсин қўлини мушт қилиб:

— Ҳаммангни бошингда ёнғоқ чақаман-н! Онасини сотганлар, гапирларинг, — дея қичқирди.

Йўловчилар тошдек бадтар жим қотишди. Менга кўзи тушмасин дея ўриндиқ остига яширинганлар ҳам бўлди. Кўпайсин эса оғзига илинган сўзлар билан барчани ҳақоратларди.

— Бас, эй, бас! — Ҳофиз Кўпайсинни қайтармоқчи бўлди. Бироқ, Китоб шаҳрининг "Марказий касалхона" деб аталмиш сўнгги бекатига етгунга қадар Кўпайсин ҳовридан тушмади.

Автобус сўнгги бекатга етиб келгач, Кўпайсин йўловчиларни бирма-бир паттасини "тектириб" ўтказа бошлади. Ёш ўспирин йигитга навбат етганда,

унинг ори тутдими: "Нима ишинг бор", деб жавоб берди. Шу заҳотиёқ Кўпайсин кутурган ит мисол ўспириннинг ёқасига ёпишди. Қўлидаги пуллар ерга сочилиб кетди.

— Вой онагинангни... Ҳали сенми, менга гап қайтарадиган, тилчангни сугуриб оламан!

Кўпайсиннинг кўзига қон тўлди. Доимо ёнида олиб юрадиган ўтқир пичогини қинидан сугурди-ю, ўспириннинг қорнига тикиб, аёвсиз бураб юборди. Йигит қаттиқ чинқирди.

Бу ҳолатни кўриб турган Ақбар билан Ҳофиз жуфтакни ростлашди. Кўпайсин эса оёғи остида типирчилаб жон таслим қилаётган ўсмирга заҳархандалик билан жилмайди. Ўзининг нимага қодирлигини кўрсатиб қўйган бекдек гердайдир атрофга боқди. Ҳайдовчининг, одамларнинг бақирғи ҳавода қолди...

... Қотиллик юз берди. Бир баттолнинг дастидан ҳали она сути оғзидан кетмаган Алишер Эргашев ҳаёт билан бевақт видолашди. Унинг умр баҳори қақроқ биёбонга айланди. Онаизорининг тутдай тўкилиб йиғлашларидан тош қум бўлди. Энди Алишернинг оиласи, дўстлари даврасидаги ўрни бўш. Ўша куни у касалхонага акасини кўргани бораётгудди. Кўпайсин-чи? Ёши қирққа яқинлашган бу кимса беш нафар боланинг отаси бўлатуриб, ўғли тенги ўсмирининг қотилига айланди. Яна судда ўзини мастлигини пеш қилиб, озодлик талаб қилди, номард. Ҳайф сенга Кўпайсин! (Илойим камайсин!).

Қашқадарё вилояти халқ суди Кўпайсин Ражабовни ўн беш йилга озодликдан маҳрум этди. У жазони кучайтирилган режим асосида ўтайдиган бўлди. Қошки эди, шу билан диллар таскин топса.

Кўпайсин Ражабов Шахрисабз шаҳридаги нефть маҳсулотлари базасида гишт ишлаб чиқариш цехида ишчи бўлиб ишларди. Шу куни Ақбар Иброҳимов ва Ҳофиз Авлоқуловлар ҳам шу цех ишчилари. Афсуски, улар бадмаст шеригини ноўйў ҳаракатлардан қайтара олмадилар, унинг йўловчиларни ҳақоратлашига йўл қўйиб беришди.

Йўловчилар-чи! Уларнинг лоқайд, қўрқоқ ва субутсизлигидан, "амманнинг бузоғи"дек ювощ тортиб ўзларини четга уришларидан виждонингга ўт тушади. Начора, ботирлиқни ўрганмаган кишилардан беклиқни талаб қилиш уят.

Афсуски, Алишер бир қизининг қўлига гул тутолмай жувонмарг кетди. Ким айтади, бизнинг лоқайдлигимиз туфайли бу ҳол яна такрорланмайдиган деб.

Ўроз ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ
матбуот гуруҳи катта назари,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

(Боши ўтган сонда).

— Хужжатларни тезда ўзгартириш керак. Вокзалда сал бўлмаса кўлга тушай дедим. Мана, ўки.

Оқшом газетасида фан номзоди Павел Васильевич Креминининг вафоти ҳақида некролог берилган эди. Кичик суратдан Кличга ўхшаган киши унга бир оз маюслик билан кулимсираб турарди.

— У ҳақиқий фан номзоди эди... Қисқаси, унинг хужжатларига шубҳа билан тикилишди. Тушундингми?

Алла хужжатларни икки бармоғи билан секин-аста олди, ижирганиб печканинг олдида олиб келди ва оловга ташлади. Кейин сумкачадан яп-янги хужжатларни олди. Клич унга яна махлиё бўлди. Нима дейишларининг аҳамияти йўқ. Алка — рисоладагидек қиз. Ҳар ким ҳам бундай шерикка эга бўлавермайди. Алла у билан фақат ўлжада ҳисса олиш учунгина ишламайди. У Клични кўлдан бой беришни хоҳламасди. Ҳатто одессалик Сверчок бирга ишлашни таклиф қилганида ҳам рад жавобини берган. Сверчок эса йирик ишлар билан шуғулланади.

Меҳмонхонага жойлашди. Ҳар доимгидек, бўш номерлар бўлмасада, иккови ҳам бир кишилик «люкс» номерлардан олишди. Бу ерда ҳам пул ўз кучини кўрсатди. Кечқурун Клич Алла билан меҳмонхона ресторанида ўтиришар эди.

— Энди қаёққа равона бўламиз, Клич? — Алла куюк киприкларни орасидан ресторандагиларни кузатди.

— Одатдагидек, келишганимизга кўра, ҳозирча Москвага, — елкасини қисди Клич. — Кейин эса...

— Мени елғиз қолдирмоқчимисан? — сергак тортди Алла.

— Ҳозирча... Пулинг бор, бирор ерда яшаб турасан. Мен Тошкентга учиб бормоқчиман. Керак бўлиб қолсанг — телеграмма бераман...

Алла Кличнинг юзига диққат билан кўз ташлади. Жуда эрта жўнаб қолмоқчи. Бор-йўғи уч кун бирга бўлишди. Унга нима жин урди?

— Эрталабгача номерда қоламиз, — қатъий фикрга келди Алла. — Сен билан бирга бўлмоқчиман. Официантдан ил-

шида ҳам кўрмаган.

Клич кишилар билан киришиб кетарди, бу билан эса алоҳида муқом қилишга ҳам эҳтиёж йўқ: жуда очик кўнгил йигит экан. Кишилар йўлда юрганларида, маълумки, очикроқ ва ишонувчанроқ бўлиб қолишади. Темир йўлда суяги қотган тажрибали ўғри Кличга бу нарсга баъзи руҳият-шунослардан ҳам яхшироқ маълум. Клич ва Алланинг доимий умиди, аслини олганда, ўзлари, эҳтимол, баъзан ҳис этишмасада, айна шунга асосланар эди. Тўғри, «оғайнилар» кейинги вақтда Аэрофлот энг «семиз лақақлар»ни ўзига оғдириб олмоқда деб ҳисоблашарди, лекин поездларда ҳали кун кўрса бўлади. Ёнларига Алка бўлганида, бу муҳандисларнинг ҳамёнлари аллақачон қоқиб олинарди.

Буни қаранг, Ковча тўсатдан заводдаги ишини, бош муҳандислик лавозимини ташлабди, яна талаба бўлиш ораусига тушиб қолибди.

Клич таажжубда қолди:

— Сизга бунинг нима даркори бор? Ақлим етмай қолди, азбаройи худо! Касбингиз, ишингиз бўлса, нимага ҳаммасидан воз кечдингиз? Ёш бўлмасангиз, оилангиз бўлса...

— Кўрмайсизми? — Одил Каримович, баъзида инсон нималар қилмайди. Албатта, еш бир жойга етганда ҳаётда нотўғри йўлдан борганингни тушуниб қолишинг ёмон. Лекин бутун умр ўзингга екмайдиган иш билан шуғулланишинг — даҳшат. Иш оғир мажбуриятга айланади, кўнглинг чопмасада ишлайсан. Аста-секин ҳафсаланг пир бўлади, энди ҳаётга қайгули, маюс бўлиб қарайсан. Ҳаёт йўлини қандай танлаганимиз? Кириш осонроқ, танлов камроқ бўлган жойга юрганимиз. Лекин менда иштиёқ ҳам бўлган, албатта. Ҳамманинг техникага қизиқиши мени ҳам ўзига тортган. Олийгоҳни ҳам, ишонинг, «аъло» билан тугатдим. Лекин бу — менинг ишим эмаслигини ҳис қиламан. Мактабда адабиётга қизиқардим, шеърлар ёзардим. Драма тўғрисида катнашардим. Қисқаса, санъат — жон-дилим эди. Тўсатдан, техника... Йўқ, сизга буларнинг ҳаммасини ҳикоя қилиб бера олмаيمان. Ҳозир мен ўзимни кўлга олдим, гарчи, еш ўттиздан ошганда яна ўқиб, талабалик билан умр кечириш осон бўлмасада...

— Хотинингиз қандай жовраганини тасаввур қилипман, — кулимсиради Клич. — Хотинларнинг қандайлиги менга яхши маълум.

— Шу ерга келганда англишдингиз, — жилмайди Ковча. — Менинг Надам фидойилардан. У менинг ягона таянчим ва овунчоғим. Тасаввур қилинг, дўстларим ва ҳатто онам ҳам менга насихат қилишди — яшашни билмас эмишман, айнаиб қолибман, фақат Нада мени кўллаб-қувватлади.

Кличнинг қалби бир орзиқиб тушди, унга нимадир бўлди. У ҳеч қачон қандайдир истеъдо, ҳаётда ўз ўрнини топиш ҳақида ўйлаб кўрмаган эди. Умуман олганда, ҳар бир киши фаровон яшашга, пулга интилади деб ишонарди. Бундай фаровонликка қандай эришишинг эса унчалик аҳамияти йўқ. Лекин, умуман фаровонликдан кўнгли тўлмайдиган, аллақачон эришган неъматлари ва мавқеидан маънавий қаноатни деб воз кечадиган кишилар ҳам бор экан. Нима учун шундай? Пул ҳам, фаровон ҳаёт ҳам ҳали асосий нарсга эмас экан-да? Ахир, Клич бутунлай бошқача яшарди. Унга пуллар тақдим этган эркинликни ардоқлагани учун ўғрилик қиларди, хузуру-халоватни, ҳар қандай мажбуриятлардан эркинликни пул таъминлаб беради. Манови муҳандиснинг пули ҳам, эҳтимол, йўқ эмас, милиция ҳам унга қизиқмайди, у эса иши қаноатланчирмагани, унинг қалби буюрганига мувофиқ келмагани учунгина ишни ташлабди. Бу галати туюлади. Анали номаълум аёл. Ковчанинг хотини ҳам галати. Клич билдирган энг хунук аёлларга ҳам пул билан баҳо бериларди, уларнинг ўзлари ҳам фақат пул деб яшашарди. Эри ўзининг анча кеч топишган мақсадига эриша олиши учун ҳамма нарсадан воз кечган ана шу Нада қандай одам экан? Ковча ҳали ўз мақсадига эриша олармикин? Ҳозирча фақат интилайпти...

Кличнинг саводи равон бўлганида, ўз ҳисларини таърифлашга муваффақ бўларди, лекин у ҳозир ўзини ёмон ҳис этди холос, унинг идрокига бундай ҳолларда одатий фикр келди, — қониб ичиш керак.

— Йигитлар! — купенинг эшиги

очилди. — Биз овқатланмоқчимиз. Ёрдамлашиб юборинглар!

Кўпна купедаги уларга таниш аёллар кўшниларига майин жилмайиб туришарди. Клич билан Ковча беш дақиқадан сўнг чиқишга ваъда беришди. Клич ҳамроҳи хонимлар олдида ўзини бардам тутган бўлсада, бирдан руҳи тушиб кетганини сезди. Клич, эҳтимол, илк маротаба бошқа кишини тушуниб етди.

— Менга қара, дўстим, — деди Клич ҳамроҳига. — Биз эркаклармиз, шунинг учун мендан ҳеч нарсани яширма. Сенда ортиқча пул йўқ, ҳозир нима қилишга ҳам ҳайрон бўлиб қолдинг. Мени хафа қилишни хоҳламасанг, бирга чиқамиз. Мен яқинда, бир ихтиро учун деса бўлади, мукофот олганман. Хўш, нима дейиш мумкин? Хуллас, бебиласка пул. Агар бормасанг — хафа бўламан. Агар хонимлар ҳузурида ланж ўтирсанг — янада кўпроқ хафа бўламан. Мен ахир ўз мукофотимни ювгайим йўқ-да. У ерда бу ҳақда сўз очишни ҳам ўйлама. Мен камтар одамман, шовкин-суронни ектирмайман... — У илжайди. — Ихтиро, биласанми, махфий.

Ковча елкасини қисди, кулимсираган бўлди:

— Ҳўп, кетдик. Нимага жажлинг чикади? Мукофот бўлса мукофот-да...

Улар аёллар ҳузурига йўл олдилар. Уларни кутиб ўтиришган экан. Малласоч еш аёл, Ольга Сергеевна, сумкачасини очмоқда эди. Клич тажрибали назари билан унда нима борлигини аниқлаб олди. Ольга Сергеевна чўнтагига йиғирма беш сўмликни солдида, сумкачани парвойи-палак ҳолда естик устига ташлади.

Ёши қайтиб қолган бўлсада сергайрат, бир тутам оқ сочи юзига хусн бўлиб тушган Нина Антоновна Ковчага кўл узатди.

— Бу ёққа, азизим. Поездлардан жуда толиқиб кетаман!

Клич бу аёлларни илгари ҳам кўргандек бўлаётганига ҳеч ҳам тушуна олмай қолди. Ресторанда ҳам уларга сертакаллуфлик билан муносабатда бўлишганини сезди. Ольга Сергеевна билинар-билинимас жилмайди, ўзининг ёши катта ҳамроҳига айерона қараб қўйди. Официантка пиво ичиб ўтирган елғиз эркакни учта эркак ўтирган столга ўтиргизиб, тезда янги дастурхон ези, яхшилаб крахмалланган салфеткалар ва овқатланиш анжомларини обкелди. Клич ҳеч нарсани тушунолмади.

Ольга Сергеевна Клич билан ена-ён ўтириб қолди. Ковча эса Нина Антоновнанинг қарама-қаршисидан жой олди. Ольга Сергеевна Одил Каримовичга зимдан қизиқиб назар ташлади. Ёш олим унга ёқиб тушган эди. Жингалак қора сочли, катта кўзлари ифодали олим шарқликларга хос сезгир ва илтифотли, шу билан бирга оддий ва мулоқотда ўртоқларга хос эркин эди. Ольга Сергеевна ўзи ҳам тошкентлик хушбичам йигитга ёқиб қолганини ҳис қиларди. Улар охира сўзлашардилар, яхшироқ эшитиш учун Ольга Сергеевна кулоғини унга яқинлаштирарди. Клич эса унинг сағал айерона ва нозли туюлган кўрнинишига, юзига тушиб турган оқиб гажакларига ҳузурланиб қарарди. У шериклари нима ҳақда жиддийлик билан оқилона суҳбатлашаётганларини деярли илгитмас эди.

— Тақдиримиз, азизим Петр Тарасович, — деди бир оз хорғинлик билан Нина Антоновна, — дастлаб қарагандагина шундай енгил бўлиб туюлади. Кинога тушиш, сафарларга чиқиш... Албатта, четдан қараганда кишининг назарида биз шон-шухратга, бойликка шўнғиб кетганмиз...

Кличнинг оғзи очилиб қолди. Мана, нима учун нуқул унга бу аёлларни илгари ҳам кўргандек туюлган экан. Албатта, уларни кинода кўрган! Клич ҳали бундай ҳамроҳларга дуч келмаган эди. Ҳеч қачон унга ана шундай кишилар билан бир стол енида ўтириб, оёсийта суҳбат қуришга тўғри келмаган. Унинг ҳаётида галати ҳол юз бера бошлагани аниқ. Гоҳ ВГИКга кетаётган муҳандис, гоҳ киноактрисалар.

Бу — умуман олганда галати кеча бўлди. Ольга Сергеевна аёлларга хос сезги билан бу йигитга ёқганини ҳис этди, унга йигитнинг эътибор бериши хуш экди. Лекин, негадир Рязандан ўтишлари билан Одилнинг ранги ўчди, қандайдир, камгап, эҳтиёткор бўлиб қолди, гўе нимагадир кулоқ

солаётгандек эди. Ольга Сергеевна аввалига унинг тарбия кўрмаганидан ҳафалигини айтмоқчи бўлди, кейин уни кузатишга қарор қилди. Овқат еб бўлганида Одилнинг қутилмаганда хурсанд бўлгани уни айниқса хайратга солди. Бир оз аччиқланган Ольга Сергеевна улар учун ҳақ тўлашга тўғри келишидан чўчиятимикин деб ўйлади. Лекин Одил официанткани ўз енидан силжитмади. Йўқ, бу одамга оддий кайфият ўлчовлари билан ёндашиб бўлмайди... «Муҳлисим ўзига хос одам бўлиб чиқди», — деб ўйлади Ольга Сергеевна столдан тураркан.

Клич эса бекорга хаяжонланмаган ва ошқикман эди. Вагон-ресторан деразасидан Рязань перронига кўз қирини ташларкан, у Аллага ўхшаган аёлни кўриб қолган эди. Поезд юриб қолгани учун яхшилаб кўришга улгурмади. У Алла самолётда жўнаганини, уни Москвада кутиб олиши кераклигини биларди, лекин ташвиш уни тарк этмади. Алла унинг қайси поездда ва қайси вагонда кетишини билади, чунки кассага бериб боришган. Ҳўш, Алла уни Рязанда кутиб олиши мумкин эмасми?...

Тўртовлон ўзларининг юмшоқ вагонларига етиб олишганида Клич Аллани дарҳол таниди. У йўлакнинг охирида турарди, гулдор ҳалатда, оғзида сигарета. Сири нотаниш аёл... Келишиб олишмаган бўлса, нима қилиб юрибди? У ҳеч кимга билдирмай ишора қилди: «Жўна, ҳеч нарсга йўқ». Артист хонимлар купесига Клич енгил уф тортди — Ольга Сергеевнанинг сумкачаси ўз жойида турарди. Ҳаммаси жойида — Алла бу ерда ҳали бўлишга улгурмаган. У Нина Антоновнанинг ўрнида ётган гитарани олди, хурсанд ҳолда кулимсиради.

— Чалиб берсангиз, Одил Каримович, — илтимос қилди Ольга Сергеевна.

— Нимани қуйлаб берай? Ўғриллар ашуласини айтиб берайми?

Аёллар ҳам, Ковча ҳам жилмайдилар. Албатта, ақлли, маълумотли кишилар ҳазиллашса ва ўғрилларнинг ашулаларини айтишса осмон узилиб ерга тушармиди. Ҳозир бу урфга айланган. Бу ашулаларда сентименталлик оҳанги бор...

Сен колония барагида бўлгансан, Найза кўтарган соқчини ҳам кўрмагансан...

Клич бир оз артистларча табассум билан қуйларди, лекин ўзи хурсандчиликдан йироқ эди. Ана шу оқкўнгил, содда кишилар уни дарҳол ўз доираларига қабул қилишгани ва уни ўз одамлари деб ишонишгани кулгили туюларди. Уларга ачинарди ҳам, чунки Клич бўлмаса, бошқа бирор олғир уларни қоқлаб кетиши аниқ — уларнинг тажрибасизлиги ва ишонувчанлигида бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Унга қайгули эди, чунки қанчалик айерона ниқобланган бўлсада, барибир бегона, бошқа дунё кишиси бўлиб қолаверди. Унинг дунеси уларнинг дунеси билан ена-ён ушайди, бу икки дунё тез-тез кесишади, тўқнашади, лекин ҳеч қачон қўшилиб кетмайди — улар бир-бирга ев. Энг ранжитадиган ҳолат шундан иборат эдики, бу кишилар унга душман эмас, балки у уларга душман эди...

Кўп ўтмай эркаклар ўз купеларига чиқиб кетишди. Аёллар ухлашга ҳозирлик кўра бошлашди.

— «Ошиқларимиз» ўзларини галати тутишмоқда, — деб истеҳзо аралаш кулимсиради Ольга Сергеевна узун сочини ухлаш олдида йиғиштираркан. — Ясама ўткир ҳазиллар, кўнглига тегадиган мазохлар тезда уларнинг жонига тегади. Уларнинг барча ҳиссётларини, ўзгарувчан кайфиятларини осонгина билиб олиш мумкин!

— Сиз ҳам сездингизми, Олечка? — жиддий оҳангда сўради Нина Антоновна. — Ресторанда тушуниб бўлмайдиган асабийлик, сўнгра бирданига енгил тортиш. Хафа бўлманг, мен бунга ошқиклик билмайман, тўғри, сизни севмасдан бўлмаса ҳам. Мен ўзимни Одил Каримович тугайли қандайдир фалокатдан қутилиб қолгандек ҳис этяман. Балки, бу алаҳсирашдир. Лекин менинг тажрибамга ишонинг, баъзан алаҳсираш ҳар қандай воқеадан реалроқ бўлади.

...Тун ярмидан оғганда улар учрашдилар. Клич чекиш учун йўлакка чиқди. Алла уни кутиб турарди.

(Давоми бор).

Юрий ВОЛОГИН

НОМЗОД

ҚИССА

Клич билан келишилган битимга хиёнат қилмади.

— Ким бу? — қизиксиди Клич хужжатларни кўздан кечираркан.

— Ҳасан Мустафин, Нижнетагдинск туман матлубот уюшмасининг раиси. Саккиз йил олдин нариги дунёга равона бўлган. Ҳаммаси жойида, Кличжон. Қани, бошладик...

Клич қоронғи тушганда уйғонди. Кўча қоп-қоронғи эди. Қўшни хонада Мотянинг оҳиста залвор қадам қўяётгани эшитиларди, у шаҳардан аллақачон қайтган. Клич енида ухлайётган Аллага қаради. Унинг одатда қошлари бўялган ва киприк уланган чехраси ҳозир қаримсиқ бўлиб кўринарди. Клич ундан беш еш катта бўлган бу аёл тез орада қариб қолиши ҳақида алам билан ўйлади. Уддабурон, ақлли ўғри бўлсада, ўтиб кетган, ешлигининг бирорта кунини ҳам ўғирлай олмайдиган аёл ўз умрини қандай тугатаркин? Клич уни тўрт йил кўрмади. Ўзи колонияда бўлди, Аллачи... У ана шу тўрт йилни қандай ўтказди? Келажак ҳам дудмал. Курортга бораётган кишини яхшилаб қоқлашди. Тенг иккига бўлиб олишди, Мотяга қолган-қутгани — юз эллик сўмни беришди. Амаки йўлга яхши отланган экан. Клич унинг юрагини қангалаб айтган сўзларини яна эслади: «Умримда биринчи марта Кавказда дам олмақчи бўлган эдим».

Кличнинг ўзидан аччиғи келди. Ўғрига ўз қурбонларининг инграшларини эшитиш жоиз эмас.

— Алла, тур. Вақт бўлди.

— Борақол. Мен ҳозир тураман, — кўзини очмасдан Алла жавоб берди.

Мотя ҳамма ишни қойиллатибди. Кличга модабоп костюм, туфли, шляпа сотиб олибди. Қайта тикишга хожат йўқ, ўлчами куйиб-қуйгандек ўзига мос. Ҳатто пальто ҳам жойида. Нарсаларни жойлаштиришди, Мотя ўғирланган нарсаларни сотувчилардан ундирган ҳашамдор портфелга пулларни солишди.

— Қолсаларингиз бўларди, кўзичоқларим, — кўзида еши билан Мотя уларни кузатиб қолди, кўнглида эса уларнинг кетаётганидан хурсанд эди. Худо кўрсатмасин, изларидан милиция келиб қолса...

тимос қиламиз, ҳаммасини тўғрилайди.

— Кераги йўқ. Бу шаҳарда ўша бақалоқ ҳам бор. Қидириб қоладилар... Даранг-дурунгнинг хожати йўқ, — эҳтиёткорлик билан эътироз билдирди Клич.

Илгари у бунақа эмас эди, Алланинг ўзи хавфдан холи бўлиш тўғрисида бош қотирарди. У Одилни кўлдан бой бераётгани, ундан сезилмай йироқлашаётганини, унинг таъсиридан чиқаётганини идрок этди. Одатда колониядан чиққан ўғриллар охирини ўйлаб-нетмай вақтичоглик қиладилар, дугоналари эса эҳтиёткорлик қиладилар, эҳтимол, бирор иллатли жойи бордир?.. Лекин Алла нимадан ташвишланаётганлигини айтиб ўтирмади. Ҳаммасини билишига хожат йўқ, балки яна колонияга тушиб қолишдан қўрқаётгандир. У ерда бўлган одам яна қайнаб тушишга интирмайди. Барибир, ҳар ҳолда... Алла номерга вино, сергўшт газак юборишларини сўради. Официант табассум қилиб, тавозе билан бошини силкитиб қўйди.

— Мен барибир соат ўн иккидан сўнг келаман. Ишонаманки, «дум» илашишдан қўрқмасан? — истеҳзо билан кулимсиради Алла.

Клич елкаларини қисди.

4. Клич юмшоқ вагонда борарди. У шинам, кулай купеда юришни, пулни аямай сарфлашни ектирарди, ўғрилик қилишни ўйламасди — ҳозир дам оларди. Ҳозирча пули кўп, бақалоқ билан учрашув ҳам самарасиз кетмади, чоғи...

Унга ғайриоддий ҳамроҳ тушиб қолди. Клич ўғри сифатида ҳам, «яхши улфатлар»ни ектирувчи киши сифатида ҳам умумий вагонларда юрувчиларни ектирмасди. У ерда кишини зериктирувчи ва ҳасис кишилар юришарди, улар билан гаплашиш ҳам мумкин эмас, улардан фақат майда пул ундириш мумкин. Купеларда эса, деб ҳисобларди Клич, доимо ажойиб кишилар учраб қолади. Муҳандис Ковча ҳатто кўп одамларни кўрган Клични хайратга солди. Энергетика муҳандиси кино олийгоҳининг сценария бўлимига кириш учун йўлга чиқибди, Клич ана шундай олийгоҳ борлигини ҳатто ту-

Мутахассис маслаҳати

ВАБОДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Алоҳида хавфли бўлган юкумли касалликлар орасида касалланишнинг тез-тез қайталаниши бўйича вабо биринчи ўринда туради, чунки у ҳозир пандемик (қитъалараро) тарқалиш тусини олган.

Вабо юкумли касалликлардан бири ҳисобланади. Ичбуруқга ўхшаб, уни ҳам "ифлос қўллар тарқатадиган касаллик" деб айтиш мумкин, зеро уни қўзғатувчи инсон организмга фақат бир йўл билан — оғиз орқали киради.

Тарихдан маълумки, вабонинг пайдо бўлиш жойи деб Хиндистон, у ердаги Ганг ва Брахмапутра дарёларининг этаги эса унинг ўчоғи ҳисобланади.

Бир томондан, табиий (ҳаддан ташқари жазирама иссиқ, ёгинларнинг мўл егиши, ботқоқлик ерлар, майда ва йирик сув ҳавзаларининг жуда кўплиги) ва бошқа томондан ижтимоий омилларнинг (аҳоли жуда зич яшаши, сув ҳавзаларининг ахлатлар билан ифлосланиши, аҳоли санитария маданиятининг пастлиги, мустамлақачиларнинг босқинчилик урушлари) бирикуви вабо юзага келаётган доимий ўчоқлар пайдо бўлиши учун шарт-шароит яратди.

XIX аср охирида вабо кўп қитъаларни олти мартаба қамраб олди. У кишиларнинг ҳаракат қилиш йўллари бўйлаб тарқалди, транспорт воситалари тақомиллашган ва халқаро алоқалар кенгайган сайин у ҳам кенг тарқалди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, 1992 йилнинг ўзидagina Осиё, Африка, Америка, Австралия, Европа ва Океаниянинг 56 мамлакатида 302 минг киши вабо билан оғриган.

1991 йилдан бошлаб собиқ СССР республикаларида: Россия, Қозоғистон, Озарбайжон, Украина, Тожикистон, Ўзбекистон ва бошқа давлатларда вабо билан оғриш кучайганлиги қайд этилмоқда.

Ҳозир Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фақатгина Тошкентда вабо билан оғриган киши қайд этилган. У Карочи (Покистон) — Тошкент — Калининград сафаридан Калининградга қайтаётган туристдир.

Тошкент, Қашқадарё вилоятларининг усти очик ҳавзаларида, Амударёда вабо вибриони топилди. Бу вибрион вабо қўзғатади. Вибрионлар совуққа чидамсиз; улар сувни қайнатганда, сув қуриб қолганда, қуёш нурлари таъсирида тез ҳалок бўлади.

Вибрион сувда, озик-овқат маҳсулотларида 20-30 кун яшай олади. Касаллар нажас, ахлат ўраларида, тупроқда эса 50 кунга қадар тирик бўлади. Дезинфекцияловчи эритмаларда вибрион тез ҳалок бўлади.

Вабо билан оғриган бемор ёки вибрион касаллик тарқатувчи манбага айланиши мумкин. У сув, озик-овқат, мулоқот орқали ўтади.

Касаллик кўпинча кескин, баъзан аста-секин бошланади. Бу давр бир неча соатдан бир ярим кунгача давом этади. Ҳарорат кўтарилмайди, қорин қисмида оғриқ юз бермайди, лекин ошқозон-ичак йўли мароми кескин ёмонлашади. Вабо учун хос бўлган белгилар — қўл ва оёқлар совуқ қотади, чайнаш мушаклари оғрийди, эпигострал қисмда вазминлик ҳис этилади, ич кетади, қушиш тезлашади. Нажас ранги турлича бўлади: у гуруч қайнатмаси кўринишида бўлиши,

нўхат шўрва рангида, қулранг, пушти — гўшт ювилган сув рангида, рангсиз бўлиши, унда шилимшиқ ва қон томчилари учраши мумкин. Қустанда олдинги овқат қолдиқлари тушади, сўнгра сувга ўхшаб тушади, рангсиз ёки сариқ рангда бўлади.

Кўп миқдорда суюқлик, тузнинг ич қотиш ва қушиш натижасида чиқиб кетиши организмнинг сувсизланишига, тузсизланишига олиб келади, моддалар алмашинуви бузилади. Организм заҳарланиши юз беради.

Организмнинг кучли сувсизланиши енгил ўтаётган касалликни тўсатдан оғирлаштириб юбориши мумкин. Кичик ешдаги болалар, шунингдек ошқозон-ичак касалликлари билан сурункали оғриган алкоғолизмга мубтало бўлган, пала-партиш ҳаёт кечирувчи кишилар айниқса вабо вибрионларига таъсирчан бўлади.

КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ТАДБИРЛАР

1. Сувни албатта қайнатиб ичиш, овқатланиш режимига, шахсий гигиена қоидаларига қаттиқ риоя қилиш керак.

2. Кўрсатилмаган жойларда чўмилиш тақиқланади.

3. Ўйлар ва иш жойларини озода тутиш зарур.

4. Пашшаларга қарши қураш олиб бориш лозим.

5. Ошқозон-ичак йўлининг мароми бузилганлиги белгилари пайдо бўлиши билан ўз вақтида шифокорларга мурожаат қилиш керак. Туркана дорилар қўллаш мумкин эмас.

О. ЛАНКИНА,
эпидемиолог шифокор.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Ромитан тумани ички ишлар бўлими томонидан 1958 йилда туғилган, Хоразм вилояти, Хонқа



Жиззах вилояти, Зафаробод тумани ички ишлар бўлими томонидан жиноят содир этганликда айбланаётган қуйидаги фуқаролар қидирилмоқда:

Тоғой Абдураимов. 1958 йилда Самарқанд вилояти, Пайарик



шаҳри, Чапаев кўчасидаги 9-уйда яшаган Ғулом Зарипович Шарипов қидирилмоқда.

У 1993 йилнинг 3 июль куни турмуш ўртоғи ва ўғлини Ромитан тумани ҳудудида жойлашган "Хўжа уббон" шифохонасига жойлаштириб, қайтишда бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 180-185 см, ўртача қоматли, сочлари ва кўзлари қора.

Уст-боши: ўша куни эгнида енгил калта оқ рангли кўйлак, жигарранг шим, оёғида оч кўк рангли кроссовка бўлган.

Ғ. Шарипов ҳақида бирон-бир маълумотга эга фуқаролардан бу ҳақда Ромитан тумани ИИБ ёки энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

туманида туғилган, яшаш ва ишлаш жойи ноаниқ. Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 117-моддаси, 2-қисми, 118-моддаси, 3-қисми, 80-моддаси, 6-қисмларида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Белгилари: бўйи 165-167 см, ўртача қоматли, сочлари қора ва қалин, кўзлари малларанг.

Рустам Мидхатович Аҳмедов. 1954 йилда Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида туғилган, миллати татар, Зафаробод туманида яшайди. Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 216-моддаси, 6-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочлари малларанг, юзи ориқдан келган, чап қўли бармоғида "1954" рақами ёзилган. Пешонасида 3 см узунликдаги чандиғи бор.

Улуғбек Файзуллаевич Турдиев. 1964 йилда Сирдарё вилояти, Сирдарё давлат хўжалигида туғилган, миллати ўзбек, Зафаробод тумани, Охунбобоев номли давлат хўжалигида яшайди. Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 886, 94-моддаси, 3-қисми, 108-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочлари қора ва тўлқинсимон, юзи ориқдан келган, кўзлари катта, гавдаси ориқдан келган.

Ражаббой Аҳмедович Турсунов. 1964 йилда Сирдарё вилояти, "Сирдарё" давлат хўжалигида туғилган, миллати ўзбек, Зафаробод тумани, Охунбобоев номли давлат хўжалигида яшайди. Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 886, 94-моддаси, 3-қисми, 108-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, сочлари қора ва тўлқинсимон, ўртача қоматли, мўйлови бор, кўзлари қора ва катта.

Озод Омонович Назаров. 1965 йилда Чимкент вилояти, Пахтаорол туманида туғилган, миллати тожик, Зафаробод тумани, Охунбобоев номли давлат жамоа хўжалигида яшайди. Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 886, 94-моддаси, 3-қисми, 108-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир қилган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, юзи юмалоқ, кўзлари катта, сочлари қора (ўнг томонга тарайди), ўртача қоматли.

Ушбу шахслар тўғрисида бирон-бир маълумотга эга фуқаролардан бу ҳақда Зафаробод тумани ИИБга ёки энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



ЭЪЛОН


Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 83-ўрта мактаб томонидан Абдуқодир Абдумаликович Мирзаев номига берилган 9-синф маълумоти тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Наврўз кўчаси, 1.



Суратдан ўғри қолдирган изин топа оласизми?

Миннатдорчилик

Сигиримиз топилди!

Шу йилнинг 10 июнь куни сигиримиз сирли равишда йўқолиб қолди. У еқ-бу еқни излаб тополмадик. Оиламиз билан кенгашиб, милицияга хабар беришга қарор қилдик. Тўғри йўлни тутган эканмиз. Кўп ўтмай сигиримиз топилди.

Бизга Чилонзор туман ички

ишлар бўлимига қарашли 5-участка милиция пункти ходимлари сигиримизнинг тез кунда топилишида ердам беришди. Айниқса, милиция майори Ғ. Абдурахмоновдан бениҳоя миннатдоримиз. Биз милиция ходимларининг халқ таянчи эканлигига яна бир бор ишонч

ҳосил қилдик.

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Сигиримизнинг топилишида бизга ўз вақтида ердам қўлини чўзган милиция майори Ғ. Абдурахмоновга ва унга ҳамкор ходимларга миннатдорчилигимизни билдирсаларингиз.

Сизларга муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Ғ. КАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ҳайробоид маҳалласи.

- Қўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета ИВМ компютерида терилди ва саҳифаланди.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.
Буюртма Ғ — 502, 34.089 нусхада босилди.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 19.00.